

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ  
МАРКАЗИ

НАФИСА ЮСУПОВА

**МУСИҚА САВОДИ,  
МЭТОДИКАСИ ВА  
РИТМИКА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги томонидан педагогика олий ўқув юртлари ҳамда  
коллежлари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган*

«Муסיқа»  
нашриёти Тошкент  
2010

85.31

Й88

**Юсупова, Нафиса Юсуповна.**

Муסיқа саводи, методикаси ва ритмика: ўқув қўлланма /Н.Й.Юсупова; муҳаррир Б.Ашуров; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази. – Тошкент: Муסיқа, 2010. 180 б.

**ББК 85.31 73**

Мазкур ўқув қўлланмада мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг муסיқа саводи, методикаси ва ритмиканинг асосий масалалари ёритилган. Болаларнинг муסיқавий-иктисодий кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолияти турли усул ва услублар орқали очиб берилган. Ушбу қўлланмада оммавий машғулотларнинг режаси, уларнинг ўтказилиш тартиби, назарий билимлар баёни, иктисодий топшириқлар, ноталари ҳамда фойдаланиш учун қўшимча материаллар ҳам берилган.

Намунавий дастур асосида тузилган ушбу қўлланмадан педагогика олий ўқув юртлари ҳамда коллежларнинг ўқитувчилари ва талабалари кенг фойдаланишлари мумкин.

**Т а қ р и з с ҳ и л а р :**

**Ҳ.НУРМАТОВ** – Низомий номидаги ТДПУ Муסיқа кафедраси профессори.

**Ҳ.БОБОЙЎВА** – Тошкент педагогика коллежи  
«Муסיқа – фан» кафедраси ўқитувчиси.

© «Муסיқа» нашриёти, 2010.

© Нафиса Юсупова, 2010.

ISBN 978-9943-307-56-

8

---

---

## КИРИШ

Истиклол шарофати билан юртимизда «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш» йўлидан борар э канмиз, жамияти- мизнинг барча соҳаларида туп ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукамал инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турган бир пайтда, хусусан, талантларга педагогик маҳорат сирларини ўргатиб бориш ўта зарурлигини ҳаёт тақозо этади.

Бўлажак мусиқа мутахассислари ёш авлод онгига юксак туйғуларни сингдириш, уларда Она Ватанга муҳаббат, гўзалликга интилиб яшаш, уни асраш ва яратишга бўлган иштиёқ уйғотувчи касб эгалари ҳисобланадилар.

Республикаимиз президенти И.А.Каримов бу ноёб касб эгаларининг имкониятларини чуқур ҳис қилган ҳолда, ёш авлодга мусиқий таълим бериш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида махсус фармон чиқарди. Унда таъкидлангани- дек, «Болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлаш» бугунги кун талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий ва техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014-йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора- тадбирлари режалаштирилди. Бу вазифаларни Ўзбекистон Республикаси президенти фармойишидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Умумтаълим ҳамда М.Т.М да мусиқа фани бўйича давлат

Ўқув стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик, ўқув қўлланмаларини замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланади.

Муסיқий таълимнинг олий мақсади: ёш авлодни миллий муסיқа меросимизга ворислик қила оладиган ҳамда муסיқа бойлигини идрок эта оладиган, етук, баркамол, маданиятли, нафақат ўз миллий анъаналарини, балки бошқа миллатлар маданиятидан бохабар ва бу анъана, маданиятларини хурмат қиладиган қилиб вояга етказишдан иборатдир. Бунда нафосат тарбиясининг ахамияти бениҳоя каттадир. Нафосат тарбиясининг мазмуни серқирра бўлиб, муסיқа тарбия энг асосий ўринни эгаллайди.

Халқ педагогикаси ўсиб, ривожланиб бораётган бир даврда халқ муסיқий намуналарини ўрганиш атокли санъаткорлар ижодидан дарс жараёнида кенг фойдаланиш муסיқа ўқитувчиси олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланади.

Мазкур тавсияда мавжуд педагогик вазифалар сақланган ҳолда, Ўзбекистонга хос миллий қадриятлар, анъаналар, халқ ижоди, муסיқани болаларнинг идрок этиш қобилияти даражасига босқичма-босқич тадбиқ э тиш назарда тутилади.

Тавсия э тилаётган қўлланмадаги муסיқа репертуари жонажон ватанга мухаббат, меҳнацеварлик, табиатни э ёзлаш, дўстлик, ҳамжихатлик, раҳм-шавқат каби ҳислар муסיқий образлар орқали идрок этишга қаратилган ва дарс жараёнида куйидаги ижрочилик малакаларини шакллантириш зарур. Товушни тўғри оҳангда ижро э тиш, муסיқа остида ритмик ҳаракатларни ифодали бажара олиш, чолғу асбобларининг товушига кўра ажрата олиш ва уларни аниқ услубларда, болалар чолғу асбобларида чалишга ўргатишдан иборат.

---

---

## **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ВА ОИЛАДА МУСИҚА САВОДИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Муסיқа саводининг аҳамияти ва вазифалари мактабгача таълим муассасасида ва оилада олиб бориладиган барча тарбиявий ишлар, бу олийжаноб фазилатларни ёш авлодда боғча ёшидан бошлаб шакллантиришга боғлиқ.

Дарҳақиқат, муסיқа саводини ўрганиш боғча ёшидан бошланади. Кўпгина болалар мактабгача тарбия даврида боғчага қатнаб, боғчадаги муסיқа машғулотларида дастлабки муסיқавий малакаларни ҳосил қиладилар. Кўпгина кўшиқлар ва ўйинларни ўрганиб олган ҳамда ритм ва ракс ҳаракатлари билан танишган бўладилар. Уйда тарбияланган болалар ҳам муайян муסיқавий тасаввурга эга бўладилар: радио ва телевидения орқали эшиттириладиган бир қанча муסיқа асарлари уларга таниш бўлади. Гарчи ана шу билимлар системага солинмаган бўлса-да, муסיқа ўқитувчиси болаларда муסיқадан назарий тушунчалар ҳосил қилишда ўша билимларга маълум даражада суяниб иш кўриши мумкин.

Болалар муассасаларида муסיқа таълимига асос солинади, шунинг учун муסיқа раҳбари айниқса ўқитиш методикасини яхши билиши, боғча ёшидаги кичик болаларнинг ёш ва ивдивидуал хусуси- ятларини, уларнинг муסיқа ва кўшиқчилик имкониятларини чуқур билиши зарур.

Муסיқа таълимини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси, тайёрлов босқичи. Бундан кўзланадиган асосий мақсад

— болаларнинг муסיқа уқувини ўстиришдир. Шу вақт

мобайнида болалар мусиқа товушларининг баланд-пастлиги ва чўзими каби ўзига хос хусусиятларни ажрата билишга ўрганишлари ва нота ёзувини ўрганишга тайёрланишлари керак. Иккинчи босқичда нота саводи, яъни бевосита мусиқа товушларининг график усулда ифодаланиши – нота ёзувини ўрганишга киришилади.

Мусиқа машғулоти жараёнида бола ҳаётий воқеликни мусиқий образлар орқали идрок этиб боради. Болалар ёшига мос мусиқа асарлари кичкинтойларда унутилмас таассурот қолдиради, уларнинг руҳий дунёсини бойитади. Боғча шароитидаги мусиқавий тарбия бадиий адабиёт ва тасвирий санъат билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилади. Ашула айтиш усули, жанрдаги мусиқа асарлари, хусусан, сюжетли чолғу песаларини тинглаш, мусиқавий ўйинлар билан шуғулланиш ва рақсга тушиш жараёнида мусиқа машғулоти кўпинча бадиий сўз билан белгиланади. Бола бадиий образларни ёрқин тасаввур этиши ва чуқур идрок қила олиши учун тасвирий санъат асарларидан унумли фойдаланилади. Турли методлардан фойдаланиб ўтказиладиган ҳар бир мусиқа машғулоти кичкинтойларда бадиий эстетик завқ уйғотади, уларнинг ҳис-туйғуларини ривожлантиради, ижодий фикри ва нутқини ўстиради. Бундан ташқари, мусиқавий ўйин ва постановкалар, рақслар болаларда ритм туйғуси, чакқонлик ва ҳаракатчанлик малакаларини ривожлантиради ҳамда қоматнинг тўғри ўсишига ёрдам беради. Мусиқа укув қобилияти асосан куйидаги мусиқа укув турларидан иборат бўлади: мусиқавий укуви, мусиқавий товушларнинг баланд-пастлигини ҳис этиш қобилияти, тембр укуви (мусиқа товушларининг бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига хос жиҳатларини ажрата билиш қобилияти), ритм туйғуси ва мусиқа хотираси.

Болалар боғчасида олиб бориладиган мусиқа тарбиясининг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидагича белгилаш

мумкин:

1. Болаларнинг мусиқага қизиқишини ошириш ва уни севишга ўргатиш.

2. Мусиқа асарлари билан таништириш жараёнида болаларда эмоционал ҳис-туйғуларини ҳосил этиш йўли билан уларнинг мусиқа ҳақидаги тасаввурларини бойитиб бориш.

3. Болаларни оддий мусиқа тушунчалари билан таништириш, мусиқа тинглаш, ашула айтиш, мусиқа билан ҳаракат қилиш, рақсга тушиш ва болаларнинг оддий мусиқа асбобларида куй чалиш кўникмаларини шакллантириш ва ижодий қобилиятини ўстириб бориш.

4. Болалар овозини асраб тарбиялаш, ашула айтишнинг дастлабки кўникмаларини ҳосил этиш, кўшиқларни содда, равон, эркин, табиий ва ифодали куйлашга ўргатиш.

5. Мусиқа асарларидан таъсирланиш, шу асосда болаларда мусиқавий дид ва бадиий муҳокама юритиш малакаларини ривожлантириш.

6. Турли мусиқа машғулотлари жараёнида импровизация қилиш мусиқадаги бадиий образни ўйин ва хор овозлар воситасида ифода этиш, маълум мусиқавий мавзуга янги ўйин ўйлаб топиш.

7. Мусиқавий тарбия машғулотларини боғча ҳаёти билан боғлаш, боғчада ўтказиладиган турли машғулотларда ва маросимларда ўрганилган куй ва кўшиқлардан кенг фойдаланиш, турли эрталиклар, концертлар уйиштириш воситасида мусиқа кундалик ҳаётимизнинг ажралмас йўлдоши э канлиги ҳақида болаларда тушунча ҳосил қилиш.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Мусиқий таълим жараёнида мусиқа саводини ўргатишдан асосий мақсад нималардан иборат ?

2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқавий тарбияси машғулотларда, кундалик ҳаётда қандай такомиллашади?

3. Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқавий тарбияси ҳақида нималарни биласиз?



## Муסיқий товушлар ва уларнинг хусусиятлари. Товушқатор регистр ва уларнинг вазибалари

Табиатда учрайдиган ҳамма товушлар муסיқали ва шовкинли товушларга ажратилади. Шовкинли товушлар қасирлаш, ғижирлаш, дукуллаш, гумбурлаш сингарилар бўлиб, аниқ баландликка эга эмас. Шунинг учун улар муסיқада қўлланилмайди. Муסיқавий товушлар эса маълум баландликка эга бўлиб, инсондаги эшитиш анализатори бу товушларни пайқаб олади. Муסיқий товушлар тури, хусусиятига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусиятлар товушнинг баландлиги, қаттиқлиги, давомийлиги ва тембрдан иборатдир. Товушлар баландлиги тебранувчи жисмнинг тезлигига боғлиқдир. Тебраниш қанча тез бўлса, товуш шунчалик баланд бўлади

ва аксинча, тебраниш қанчалик суст бўлса, товуш шунчалик паст бўлади. Товуш қаттиқлиги товуш манбайи бўлган жисмнинг тебраниш амплитудасига боғлиқдир. Товуш қанчалик қаттиқ бўлса, шунча қаттиқ ишлатилади ва аксинча. Товуш чўзими манбайи тебранишининг давом этишига боғлиқ бўлади.

Муסיқа ижрочилиги учун белгиланган муסיқавий система ўзаро муносабатда бўлган муайян баландликдаги товушлар тизилмасидан (қаторидан) иборатдир. Товушларнинг ўз баландлигига қараб жойла- шиши системасига **товушқатор** дейилади. Муסיқавий системанинг тўлиқ товушқаторларида 88 та хилма-хил товушлар бор. Муסיқавий система товушқаторлари еттита мустақил номга эга бўлган асосий босқич- лардан иборатдир.

И	ИИ	ИИ	ИВ	В	ВИ	ВИ
До	Ре	Ми	Фа	Сол	Ля	Си

Бу асосий товушлар фортепианонинг оқ клавишлари (босқич пардалари) товушларига мос келади.

Товушқаторларининг бу еттита босқичи маълум бир вақтда такрорланиб туради. Бунда юқори томон саналган ҳар

бир 8- товуш 1-товушга нисбатан икки баравар кучлироқ тебраниш натижасида ҳосил бўлади ва шу сабабдан икки марта баланд бўлиб эшитилади. Бир хил номдаги товушлар оралиғига **октава** дейилади. Демак октава товушларининг етти асосий босқичини ўз ичига бирлаштиради. Бутун товушқатор бир неча октавага бўлинади. Ҳар бир октаванинг «До» товуши бошланғич босқичнинг товуши деб қабул қилинган.

Чолғу асбоблари товушларнинг ёки инсон овозининг маълум бир бўлагига **регистр** дейилади. Регистрлар уч хил бўлади: пастки, ўрта, юқори регистрлар.

Регистрлар ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлаш ва ўзлаштиришни текшириб кўриш учун куйидаги ўйин-машқни ўтказиш фойдали. Тарбиячи кўшиқни турли регистрларда чалади, болалар эса уларни қўл ҳаракатлари билан кўрсатиб боришлари керак. Агар кўшиқ юқори регистрда чалинаётган бўлса, улар қўлларини юқорига кўтаришади, пастки регистрда чалинаётганда – пастга тушуришади, ўрта регистрда эса қўлларини олдинга узатишади. Бу ўйинни тикка туриб бажариш

яхшироқ бўлади. Бунда кўзланадиган асосий мақсаддан ташқари, бир йўла гўё жисмоний енгилликка ҳам эришиш машғулотда кўтаринки руҳ пайдо қилади.

Товушларнинг баланд-пастлигини аниқлаш биринчи октава билан чеклангач, шу товушларни эшитишнигина эмас, балки уларни куйлашни ҳам талаб этиш керак. Ўшанда болаларнинг эшитиб, тасаввур ҳосил қилишлари билан бир вақтда кўшиқчилик сезгилари пайдо бўла боради, чунки энг баланд товушлар кўшиқ айтишда ўртача ва паст товушларга қараганда кўпроқ зўр беришни талаб этади.

Муסיқа саводи мусиқанинг ифода воситалари мусиқа товушларининг ёзиш усуллари ва мусиқа назарияси бўйича дастлабки маълумотлар билан таништирилади ҳамда шу бир қаторда, нотага қараб ашула айтиш бўйича амалий машғулотларни ҳам ўз ичига олади. Нота ёзуви ҳақидаги тушунчаларни ифодалайдиган ва мусиқа саводи билан юритиладиган махсус билимни **нота саводи** дейилади.

Товушлар жойлашган беш чизик **нота чизиклари** деб аталади. Беш чизикни бирлаштириб турган бир чизик **такт чизиғи** дейилади. Нота ёзуви боши **сол калити** дейилади.

*Мавзуну мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Муסיкий тизимнинг тўлиқ товушқаторида неча хил товуш бор?
2. Регистрлар неча хил бўлади?

### **Муסיкий товушларнинг ёзилиши. Калитлар. Калитлар ҳақида тушунча**

Муסיқа товушлари **нота** деб аталадиган махсус белгилар ёрдами билан ёзилади. Нота белгилари ўртаси бўш ёки бўялган доирача-лардан иборат бўлади. Товушларнинг хилма-хил чўзимини кўрсатиш учун бу доирачаларга вертқал таёқчалар, думчалар қўшиб ёзилади. Товушларнинг баландлигини аниқлаш учун ноталар бешта параллел чизикдан иборат ва нота йўлига ёзилади.


Ноталар чизикларга, чизиклар орасига, чизикларнинг устига ва остига ёзилишини, асосий чизиклар етишмай қолганда эса ноталар қўшимча, қисқа чизикларга ёзилиши уқтирилади. Нота чизик бошида махсус белги – скрипка калити бўлмагунча ёзилган ноталардан

биронтасини ҳам атай олмаймиз, бу калит ноталар номини очиб беради. Калитнинг иккинчи номи бўлган «Сол» калити билан ҳам таништирилади, ўз гажаги билан нота йўлининг иккинчи чизиғини камраб оладиган калит **сол** нотасининг ўрнини кўрсатишини, шу сабабдан унинг **сол калити** деб аталишини тушунтириб беради. **Сол** нотасининг қаерда турганлигини билиб олган бола бошқа ноталарни ҳам топиши мумкин. Болалар нотанинг ўрнини қандай топиш кераклигини жуда тез тушуниб оладилар; бу нарса мароқли ўйинга айланиб кетади; ўйин пайтида болалар қаерда қандай нота ёзилишини эса қолдирадилар.

Чизиклар пастдан юкорига қараб саналади. Нота йўлининг бошланғич қисмида бешта чизикдан

бирлаштирувчи вертикал

чизик  
қўйилади.



нота чизиклари



mak - tab - ga kel - gim



gul - lo - la yax - shi

Болаларнинг нота ёзувини бемалол тушуниб 1-октава доирасидаги ҳар бир нотанинг ўрнини яхши билиб олишлари учун қуйидаги машқларни тавсия этиш мумкин:

а) тарбиячи ноталарнинг номларини айтиб туриб ёздирди ёки доскага ёзиб беради, болалар эса уларни нота йўлига ёзишлари керак;

б) тарбиячи қўшиқ қуйини қуйлайди, болалар эса қўшиқнинг куюни кўргазмалли қуроллар орқали нота чизикларига жойлаштирадilar.

Бу машқларни болалар мустақил равишда бажаришади, сўнгра улардан бири шу машқни доскада кўрсатиб беради.

Товушлар пухта ўрганилгандан кейин эшитиб бажариладиган ҳар хил машқ турлари катта фойда келтиради.

Музыкада ноталар номланиши билан бирга, турли чўзимларга ҳам эгадир.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Калитлар орасида энг кўп қўлланиладиган калитнинг номи нима?

2. Музиқий товушларни ёзишда қандай чизиклардан фойдаланилади?

## Нотанинг нота чизигида қандай ёзилиши

Ноталар нота йўлига ундаги чизиклар устига, чизиклар оралиғига ёзилади. Товушлар қанчалик баланд бўлса, нота белгилари нота йўлининг шунчалик юқори йўлига ёзилади.

Нота ёзувида асосий чизиклардан ташқари айрим ноталар учун яна қисқа, қўшимча чизиклар ҳам ишлатилади. Нота йўлининг юқорисида жойлашган қўшимча чизиклар биринчи чизикдан бошлаб юқорига томон, нотанинг ўзидан пастда жойлашган қўшимча чизиклар, биринчи чизикдан бошлаб, пастга томон саналади.

Нота доираларида иккинчи ва учинчи чизиклар орасида ва ундан ҳам пастроқда жойлашган бўлса, таёқчалар юқорига қараб, ўнг томондан, учинчи ва ундан юқори чизикларда жойлашган бўлса, пастга қараб, чап томондан қўйилади.

Муסיқада ноталар номланиши билан бирга, турли чўзимларга ҳам эгадир. Уларнинг кўринишини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

- бутун нота
- ярим нота
- чорак нота
- нимчорак нота ба ҳоказо...

«Сол» нотасини мисол қилиб олиб, 4/4 ўлчовда ёзилса, бундай кўринишда бўлади:



Нотадан кейин нуқта қўйиш билан нота чўзимини тенг ярмига узайтириш мумкин:



Бастакор турли нота ва нота чўзимларини танлаб, янги оҳанг, куй яратади.

### Калитлар

Товушларнинг маълум бир баландлиги, нота йўлидаги чизиклар устига ва оралиғига қўйиладиган махсус белги билан ифодаланади. Бунга **калит** белгиси дейилади. Калит белгиси нота йўлининг бошида, асосий чизиклардан бирига қўйилади ва у нота йўлидаги бирон-бир чизик марказини кесиб ўтган бўлади. Бундан ташқари, калит белгиси биронта чизикда турган нотанинг маълум баландликдаги товуш номини белгилайди. Нота йўлидаги қолган товушлар баландлиги мана шу нотага мосланади.

Калитлар хилма-хил бўлади. Улар орасида энг кўп қўлланиладигани скрипка ҳамда бас калитидир. Скрипка калити иккинчи чизик устида жойлашган бўлиб, биринчи октаванинг сол товуши баландлигини ифодалайди.



Бас (фа) калити тўртинчи чизик устида жойлашган бўлиб, кичик октаванинг *фа* товуши баландлигини ифодалайди. Товушқаторнинг қолган барча босқичлари мана шу товушдан бошлаб саналади.

### Муסיқанинг ифода воситалари

Терсия бўйича жойлашган ёки жойлашиши мумкин бўлган айна вақтда қўшилиб эшитиладиган уч ва ундан ортиқ товушлар қўшилмасига **аккорд** дейилади. Учта товушдан иборат терсия бўйича жойлашган аккорд учтовушлик бўлади. Учтовушликнинг қайси ҳолатда бўлиши шу учтовушлик

таркибига кирадиган терсияларнинг жойлашув тартибига ва ҳолатига боғлиқдир. Аккорд

товушлар терсия бўйича жойлашган бўлса, унга аккорднинг асосий кўриниши дейилади. Аккорднинг ҳар бир кўриниши мустақил номга эга. Товушларнинг номлари асосий кўринишдаги аккорднинг пастдан юқорига томон жойлашган товушлари ҳосил қилган интерваллар номидан келиб чиқади.

Учтовушликда энг пастки, энг асосий товуш **прима**, иккинчи ёки ўрта товуш **терсия**, учинчи ёки юқори товуши **квинта** деб аталади.


Учтовушликда товушлар жойлашуви тартиби ўзгарса, яъни энг пастки товуш терсия ёки квинта бўлса, бу хилдаги тузилма учтовушлик айланмаси дейилади. Мажор ва минорнинг барча босқичларида учтовушлик тузиш мумкин. Ҳар бир учтовушлик мустақил номга эга. Шу сингари агар тонликлар «ре» товуши бўлса, тонлик «ре» мажор бўлади ва ҳоказо. Халқ мусиқаси учун хилма- хил характерлидир, лекин ҳозирги вақтда асосий ўринни мажор билан минор лади эгаллаб турибди.

### «Оймомо» кўшиғидан



A - yam    dey - di:    ko'k - ka    boq;

Бунинг график шакли:



Мусиқада динамик ибораларнинг қўлланилиши

Куй – оҳанг кўшиқлар ижроси ёқимли бўлиши ёки бирор мусикий образни янада бойитиб тингловчиларга эшиттириш учун мусиқада динамик белгилар кўлланилади. Товуш қандай кенгайтирилишини кўрсатувчи, италянчадан олинган бу белгилар номланишини ва

маъносини бутун дунё халқлари бир хил тушунадилар. Динамик белгилар қуйидагича ёзилади ва талаффуз қилинади.

А) Муттасил баландлик даражаси:

Фортессиммо – *ff* – жуда

баланд. Форте – *f* – баланд.

Мецсофорте – *mf* – ўртача

баланд. Пианиссимо – *pp* – жуда паст.

Пиано – *p* – паст.

Мецсопиано – *mp* – ўртача паст.

Б) Муттасил ўзгарувчи баландлик:

~~Крешчендо~~ – *cresc.* ёки кучайтириш белгиси.

Поко а поко крешчендо – секин-аста пасайиш.

~~Диминуендо~~ – *dim.* ёки пасая бориш белгиси.

Поко а поко диминуендо – секин-аста пасайиш.

Морендо – *rit.* бошлаш.

В) Баландлик даражасини ўзгартириш

учун: Пиу форте – яна баланд.

Мено форте – сал баланд.

Сфорсандо – *sfz* – айрим товушларнинг кескин зарби.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Мусиқадаги динамик белгилар қандай белгиланади ?
2. Мусиқадаги динамик иборалар қаерга жойлаштирилади?

### **Интерваллар ва интервалларнинг айланмаси**

«Интервал» – бу лотинчадан олинган сўз бўлиб, оралиқ ёки масофа маъносини англатади. Мусиқада эса икки товуш



оралиғини билдиради. Бирин-кетин ёки бир вақтда эшитилган икки товуш қўшилмаси **интервал** дейилади.

Интерваллар мелодик ҳамда гармоник шаклда бўлади.

Мелодик интервалда товушлар бирин-кетин эшитилади. Масалан:



Гармоник интервалда товушлар бараварига эшитилади. Масалан:



Ҳар бир интервал икки миқдор сон ва сифат миқдори билан аниқланади. Миқдори босқичлар сони билан ифодаланадиган интерваллар **сон миқдорли интерваллар** дейилади.

Миқдори тон ва ярим тонлар билан ифодаланган интерваллар **сифат интерваллар** дейилади. Барча гармоник интерваллар ва мелодик интерваллар асосан энг пастки товушидан юқорига қараб ўқилади. Интервалнинг пастки товуши **интервал асоси**, юқори товуши эса **интервалнинг чўққиси** дейилади.

Бир октава оралиғида ҳосил бўлган интерваллар **оддий интерваллар** дейилади. Ҳаммаси бўлиб, саккизта оддий интерваллар бор. Уларнинг номи шу интерваллар ҳисобига қирадиган босқичлар сонига боғлиқдир. Интерваллар лотин тилида тартибли сонлар билан номланади. Тартибли сонлар интервал юқори товушининг пастки товушига нисбатан нечанчи босқичда турганлиғини билдиради.

Интервал товушларнинг бир жойдан иккинчи жойга қўчиши натижасида пастки товуш юқорига ва юқоридаги товуш пастга жойлашади. Бунга интервал айланиши дейилади.


Интервал товушларнинг айланиши 2 йўл билан амалга оширилади:

1. Интервал асосини (пастки товушини) бир октава юқорига кўтариш.

2. Интервал чўққисини (юқори товушини) бир октава пастга кўчириш.

Мазкур интервалнинг айланиши натижасида янги интервал ҳосил бўлади. Қоида бўйича барча соф интерваллар софга, кичик интерваллар каттага, катта интерваллар кичикка, ортилган интерваллар кучайтирилганга, кучайтирилган интерваллар ортилганга айланади ва аксинча.

Агар бирор интервал ва унинг айланмасини бирлаштирсак, октава ҳосил бўлади. Шу сабабдан, бир бирига айланадиган интерваллар сифат миқдорининг йиғиндиси ҳамма вақт олти тонга эга бўлади.



*Мавзуни*

*мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Интервал айланиши деб нимага айтилади?
2. Интервал деб нимага айтилади?


### **Интервалларнинг босқичлари ва уларнинг турлари**

Интервалларни ўрганиш давомида ўқитувчи ўқувчилардан назарий билимларни ўзлаштириш билан бирга, шу билимларни амалда қўллай билиш кўникмаларини эгаллаш ҳам талаб этади. Улар берилган нотадан бошлаб ҳар бир янги интервални туза билишлари билангина кифояланиб қолмасдан, уни пастдан юқорига ёки юқоридан пастга қарата куйлашни ҳам, дастлаб эшитиб олиб, мелодик баён қилишни, сўнгра гармоник баён қилишни, ҳам топа билишлари керак.

Интерваллар солфеджо қилиш малакаларини эгаллашга ёрдам беради. Шу сабабли ўқитувчи ўқувчиларга турли топшириқ ва машқларни бериб бориши лозим. Интервалларни

аниқлашга мўлжалланадиган ёзма ва оғзаки диктантлар ҳам шулар жумласига киради ёки оғзаки топшириқлар бериш мумкин.

Муסיқада 8 та асосий интервал бор. Булар – **прима, секунда, терсия, кварта, квинта, секста, септема ва октавалардир.**



Ҳар бир асосий интервалнинг аниқ тон ўлчови бор. Прима – 0, секунда-1тон, терсия-2тон, кварта-2.5тон, квинта-3.5 тон, секста-4.5 тон, септема-5.5 тон, октава-6 тон.

Бундай интервалларни ҳар қандай товушдан юқорига ёки пастга қуриш мумкин.

а) биринчи октаванинг ля,ре, фа, ми товушларидан интерваллар тузиш;

б) муסיқа мисолида учрайдиган интервалларни аниқлаш;

с) таниш қўшиқлардаги, шунингдек, нотага қараб ўрганиб олинаётган янги қўшиқ ёки машқлардаги кўйнинг интервал тузилишини аниқлаш.

Ана шуларнинг ҳаммаси қўшиқни онгли равишда ўргана боришга, талаффузнинг аниқ равшан бўлишига ёрдам беради.

### **Нотага қараб, нота билан қуйлаш**

Қўшиқ ҳар бир ўқувчидаги муסיқа қобилиятини ривожлантиришга ҳамда боланинг баркамол авлод кишиси бўлиб ўсишига ёрдам беради. Болалар боғчасида ўрганиладиган ҳар бир қўшиқ мазмуни ва характерини онгли равишда тушинишга ўрганиш керак бўлади. Авваламбор,

тарбиячи бирор бир шеърни болалар ёд олишида дастурдан фойдаланган ҳолда ўргатади. Ҳар бир шеър боланинг ёши, гуруҳи ҳамда фаслларга, байрамларнинг турларига қараб танланади.

Қўшиқ болалар ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Қўшиқ инсон тафаккури ва онгини ривожлантиради. Биз қўшиқ орқали жумбушга келамиз, армон қиламиз, ҳаёл сурамиз (бу ҳол кўпроқ катталарда бўлади).

Биз қўшиқни болаларга ўргатаётганда аввал қўшиқнинг куйини, кейингина шеърини мисрама-мисра ўргатамиз. Қўшиқнинг куйини ўргатаётганда тўрт хил мусиқа асбоблари орқали чалиб ёки бўлмаса, бирор-бир жониворларнинг овозларни бериб ўтишимиз мумкин. Шеърни эса бўғинларга бўлиб ёки чапаклар орқали ёд олдирилади.

Болалар шеърни тезроқ ёд олишлари учун шеър матнларини такрор ва такрор айтишимиз керак бўлади. Агар боланинг ҳаёли жойида бўлмаса, мусиқа товушларини ва шеърни тез ёд олишлари мураккаб бўлади. Боғча ёшидаги болаларнинг онги ҳали ривожланмаган бўлади. Шунинг учун улар куйни секин, узоқ муддатда ёд олишади. Болаларга мусиқа товушларини тушунтириб ўргатиш зарур.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан буён, барча соҳаларда, шу жумладан, Халқ таълимида ҳам кўп янгиликлар рўй бермоқда.

**Ўртача**

**Гуллар рақси**  
(Ўзбек халқ  
рақси)

**Ўрта гуруҳ учун**



### До мажорни куйлаймиз

#### Шошмасдан хурсандлик билан





### Лад ва тонликлар

Муסיқа саводининг ушбу муҳим бўлимларидан бирида асосий лад (парда) боғланишларини ўрганиш ҳамда парда турлари ва уларнинг тузулиши (мажор ва минор) билан, тонлик (оҳангдошликлар) ва интерваллар ҳақидаги

тушунча билан таништирамиз. Аниқ — соф талаффузга эришиш учун болаларда ладни билиш туйғусини ўстириб бориш зарур. Бу иш болаларнинг кўшиқ айтишларига ўргата бошлаган

пайтдан бошланмоғи керак.

Лад ва тонликни ўрганишда алтирация (ўзгартма) белгилари билан ҳам таништирилади. Фортепиано клавишлари октавада еттита оқ ва бешта қора клавиши борлигини биламиз.



Бироқ бир клавишдан иккинчисигача бўлган оралик ҳар хил. Агар шу клавишлар ўртасида қора клавиш бўлмаса – бу оралик оқ клавишдан қора клавишгача бўлган оралик каби, ярим тон деб аталади. Агарда оқ клавишлар ўртасида қора клавишлар бўлса, бу оралик бутун тонга тенг бўлади.

Ўқитувчи оқ клавишаларнинг ўз номлари борлигини қора клавишларнинг номи йўқлигини, буларнинг оқ клавишлар номларига боғлиқ э канлигини тушунтириб беради. Агар товушни ярим тон кўтариш ёки пасайтириш керак бўлса, қора клавишлар ишлатилади ва

қора клавиш қайси товушнинг кўтарилаётганига ёки пасайтирила- ётганига қараб номланади.

- «бемол» товушни 0,5 тон пасайтиради.
- «диез» товушни 0,5 тонга кўтаради.
- «бекар» пасайган ҳамда кўтарилган товушларни асл

ҳолига

қайтаради.

Бу белгилар кўтариш ёки пасайтириш керак бўлган товуш (нота) олдига қўйилади.


Алтерация белгиларини тушунтиришда агар бирор белги нота олдида турса, унинг таъсири шу тактгагина ёйилишини, белги калит олдида бўлса, унинг таъсири бутун асарга ёйилишини кўрсатиб ўтиш зарур.

*Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Лад деб нимага айтилади ва уларнинг қандай турлари бор?
2. Алтерация белгиларининг номларини айтинг?

### **Дирижорлик қондалари**

Дирижор франсузча «дирижер» – *бошқариш, йўлга солиш* деган маънони англатади. Дирижор мусиқа асарини ижро э тувчи жамоа, солистлар, хор, оркестрга раҳбарлик қилувчи санъаткор. Дирижор мусиқа асарининг оммавий ижросига қадар ижрочи жамоа билан бўлган ҳамма тайёргарликни олиб боради. Асосий ижро вақтида эса концерт ёки спектаклда асарнинг ўйналиш тезлиги, динамик айрим тўда ёки якка ижрочиларни тўхташ ёки ижро қилиш вақтларини кўрсатиб туради, жамоани бирлаштиради, руҳлантиради ва асарнинг бадиий ижроси учун ҳаракат қилади. Дирижор ўнг қўлида кичик таёқча ушлаб, мусиқа асаридаги тактларнинг биринчи кучли саноғини пастга тушириш билан кўрсатиб туради. Юз, қўл, бош ва гавда ҳаракатлари ва мимикалар






билан асар моҳиятини англадиб, қандай ижро этишини кўрсатади.

Икки чорак (2/4) ўлчовида дирижёрлик қилиш учун чиройли қомат билан тик туриб, иккала қўл, елка баландлигида олдинга кўтарилади, бармоқлар бўш қўйилади. Нафас олиб, иккала қўл бир текисда қуйидаги кўрсатилган чизиқ қўйилган йўналиш бўйича ҳаракатлантирилади. «Бир» деганда қўллар


пастга тушиб, ёнга кетади; «икки» деганда эса юқорига кўтарилади ва бу ҳаракат бир маромда мусиқа тугагунча такорланаверади.



«Уч чорак» (3/4) ўлчовида дирижёрлик фаолияти чиройли қомат билан дирижёрлик ҳолатини эгаллаб, иккала қўл бир-бирига тескари уч йўналишда қуйида чизиқ қўйилганидек, ҳаракатлана бошлайди.

«Бир» деганда, қўл пастга тушурилади,

«икки» деганда, ён томонга кетади, «уч» деганда, эса юқорига кўтарилади ва бу ҳаракат бир маромда мусиқа тугагунча такорланаверади.



«Тўрт чорак» (4/4) ўлчовида дирижёрлик қилганда қўл 4 йўналишда ҳаракатланади:

«бир» деганда, қўллар пастга тушурилади;

«икки» деганда, улар бир-бири томон йўналтирилади;

«уч» деганда, ўнг қўл ёнга, чап қўл чапга йўналтирилади; «тўрт» деганда, эса қўллар юқорига кўтарилади.

Дирижёрлик ҳаракатлари бир томонда мусиқа тугагунча давом этирилади.

Қайси ўлчовда дирижёрлик қилинишдан қатъий назар, қуй тугагунча худди осилиб турган ипни узгандек, бир паст қотиб турилади. Тегишли ўлчовни ўрганиш пайтида унинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаб, шу ўлчовни асарнинг

бадий образи билан боғлаш керак. 2/4 ўлчовининг кўпинча ракс мусикасида учрашини ҳаракатларининг аниқлиги, шу мусикага хос хусусият э канлигини, полкаларда, «Жонон» сингари халқ раксларида буни яққол кўриш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Аксинча, 3/4 ўлчовида ёзилган ракслар ҳаракатлар-нинг текислиги билан ажралиб туради, масалан, валс гир айланиб ўйналади, полонез (поляк миллий ракси) саловатли бўлиб, тиззаларни оҳиста э гиб-егиб ўйналади. Тантанали байрам маршлари, мадҳиялар ва бошқа мусика асарлари фақат аниқлик билангина эмас, балки ҳажм кенглиги ва товуш янграшининг бир текислиги билан ҳам ажралиб туради, бундай асарлар 4/4 ўлчовида ёзилган бўлади. Мана шу ўлчовлар орқали дирижорлик ҳаракати амалда бажарилади.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Дрижёрлик неча ўлчамдан иборат?
2. Кўл ҳаракатлари билан кўрсатиб беринг?

### **Мажор, минор ва учтовушликлар ҳамда уларнинг ёзилиши**

Тоника ва алтерация тушунчаларини билиб олгандан кейин, Европа мусикасида кенг ёйилган асосий ладлар мажор ва минор билан бевосита танишишга ўтиш мумкин. Дастлаб лад товушини кўриб чиқиш ва эсда қолдириш шарт эмас, болаларни эшитиб олиб, мажор ва минор ладларини ажрата билишга ўргатиш мумкиндир.

Одатда, мажорни шодиёна, хушчақчақ лад сифатида, минорни эса хазин, мунгли лад сифатида бир мунча соддалаштирилиб аниқланади.

Мажор ва минорнинг барча босқичларидан учтовушлик тузиш мумкин.

Ҳар бир учтовушлик тузилган босқичга қараб мустақил номга эга бўлади:

И босқич учтовушлиги тоника учтовушлиги дейилади.

ИВ босқич учтовушлиги субдоминанта учтовушлиги дейилади. В босқич учтовушлиги доминанта учтовушлиги дейилади.

Улар мажорда ЦД харфлари билан, минорда э са цд харфлари билан белгиланади.

Терсия бўйича жойлашган ёки жойлашиши мумкин бўлган ва айна вақтда қўшилиб эшитилган уч ва ундан ортик товушлар қўшилмасига **аккордлар** дейилади.

Уч товушдан иборат терсия бўйича жойлашган аккорд **учтовушлик** дейилади.

Учтовушликнинг қайси ҳолатда бўлиши шу учтовушлик таркибига кирадиган терсияларнинг жойлашув тартиби ва ҳолатига боғлиқдир.

Ўқитувчи мажор ва минор ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга хилма-хил машқларни бериш мумкин:

а) ўқитувчининг ижро этадиган куйини эшитиб олиб, унинг қандай ладда ёзилганини аниқлаш;

б) мажор ва минорда яратилган куйни тинглатади, ўқувчилар эса қайси куй қандай ладда ёзилганини ифодалайди.



Мажор ва минор ладлари орқали тузилган учтовушликлар куй- кўшиқларнинг чиройли янграшини таъминлаб беради.

*Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Мажор деб нимага айтилади?

2. Минор деб нимага айтилади?
3. Учтовушликларни ёзиб кўрсатиб беринг.

### **Аккордлар ҳақида тушунча**

Аккорд товушлари терсия бўйича жойлашган бўлса, унга аккорднинг асосий кўриниши дейилади. Аккорднинг ҳар бир кўриниши мустақил номга эга. Товушларнинг асосий кўринишидаги аккорднинг пастдан юқорига томон жойлашган товушлари ҳосил қилган интерваллар томонидан келиб чиқади.

Агарда аккордда терсия бўйича жойлашган тўртта товушидан тузилса, **септаккорд** дейилади. Септаккорднинг икки четидаги товушлар оралиғи септима интервалида бўлади. Шунинг учун ҳам бу аккорд септаккорд номини олган.

Муסיқада септаккорднинг хилма-хил кўриниши учрайди, уларни ҳам учтовушликлар сингари исталган босқичдан тузиш мумкин. Мажор ва гармоник минорнинг бешинчи босқичидан тузилган септаккорд жуда кўп тарқалгандир. Бу аккордга **доминант септаккорд** дейилади.

Доминант септаккорд юқори томонидан кичик терсия кўшилган мажор учтовушлигидан ҳосил бўлади. Доминант септаккорд товушлари асосий товушдан бошлаб саналганда прима терсия

квинта ва септимадан иборат. Доминант септаккорд куйидаги белги билан ёзилади В7 ҳарфи ёзилганда Д7 бўлади.

Доминант септаккорд куйидаги терсиялардан иборат: В дан ВИИ босқичгача – катта терсия;  
ВИИ дан ИИ босқичгача – кичик терсия;  
ИИ дан ИВ босқичгача – кичик терсия.

Доминант септаккорд мажорда ҳам, минорда ҳам бир хил тартибда тузилади.

### **Кўшиқни ёд олиш**

Ўқитувчининг кўшиқ ижро этиши ва уни ўргатиши жараёнидаги муҳим бир пайт ҳисобланади. Ўқитувчи кўшиқни нечоғлик аниқ, равшан, таъсирли ижро эса, бу

қўшиқ ўқувчиларга шунчалик тушунарли бўлиб қолади, қўшиқни ўрганиш уларга осон бўлиб кўринади. Болалар қўшиқни кучли таассурот билан тинглашар экан, уларнинг шу қўшиқни тезроқ ўрганиб олгилари келади. Шундай қилиб, болаларни жим ўтириб, диққат билан қўшиқ тинглашга одатлантира бориш керак. Ўқитувчи қўшиқни бошидан охиригача ҳам, қисман ҳам ижро этиши мумкин. Агар қўшиқ табиат манзараларини акс эттирса, йил фаслларини ифодаласа, унда қандайдир умумий мазмун ва кайфият баён қилинадиган бўлса, қўшиқнинг бир бандини ижро этишнинг ўзи кифоя қилади, бошқа бандлари эса кўйламасдан, ўқиб берилади. Аммо айрим қаҳрамонларга, тарихий воқеаларга зид қўшиқ ва ашулаларда бўлганидек, қўшиқ ривожининг умумий йўли яққол маълум бўлса, болаларнинг яхлит бадиий образ таассуротини ҳосил қилиш учун қўшиқни тўлиқ ижро этиш афзалроқ бўлади. Масалан, Н.Норхў- жаевнинг «Чамандаги гуллармиз» қўшиғининг биринчи бандини ижро этишнинг ўзи кифоя қилади.

### Чамандаги гуллармиз

П.Мўмин

Н.Норхўжаев

#### Шўх, қувноқ

*mf*

Biz - lar ko'p - miz dun yo - da Suv oq -



Бизлар кўпмиз дунёда,  
Сув оққандай дарёда.  
Биз юрсак қаторлашиб,  
Кўчалар кетар тошиб.

Қизлармиз,  
Ўғиллармиз:  
Чамандаги гуллармиз.

Кўшиқ айцак баралла,  
Топ-тоза тонгги  
палла – Овозимизни  
тинглаб, Офтоб чиқар  
йилтиллаб.

Қизлармиз, ўғиллармиз:  
Чамандаги гуллармиз.

Оламни қулдирайлик,  
Шодликка тўлдирайлик.  
Бизлар ўқиб, ишлаймиз,  
Чин дўстликни истаймиз!

Қизлармиз, ўғиллармиз:  
Чамандаги гуллармиз.

## Тест

1. Товушлар неча турга бўлинади.
  - a) 2
  - b) 3
  - c) 4
  - d) 5
2. Сол нотаси қайси чизикда жойлашган?
  - a) Ёрдамчи чизикда жойлашган.
  - b) 1-чизик пастида.
  - c) 1- чизикда.
  - d) 2- чизикда.
3. Ёрдамчи чизикда жойлашган нота.
  - a) До.
  - b) Ре.
  - c) Ми.
  - d) Фа.
4. Биринчи нотадан кейин худди шу нотагача бўлган ораликлар.
  - a) Товуш.
  - b) Октава.
  - c) Диапазон.
  - d) Регистр.
5. Муסיқа асбобларининг энг пастки нуқтасидан энг юқори нуқтасигача бўлган масофа.
  - a) Нота ёзуви.
  - b) Такт.
  - c) Диапазон.
  - d) Ритм.
6. Регистр неча гуруҳга бўлинади?
  - a) 2 та, тенор ,бас.
  - b) 3 та, пастки регистр, ўрта, юқори.
  - c) 4 та, ритм, алт, бас, такт.
  - d) 5 та минор, зарб, ритм, сопрано, тенор.
7. Вокал, хор малакалари берилган қаторни топинг.
  - a) Дарсда қўшиқ куйлаш ҳолати, ашулачилик нафаси.
  - b) Овоз ҳосил қилиш, созланиш.

- c) Ансамбл, танаффус.
  - d) Барча жавоблар тўғри.
8. Ритм бу –
- a) Мусикий қобилият.
  - b) Товушларни миёрига қўйиб чалиш.
  - c) Товушлар ўлчами.
  - d) Усул.
9. Товушлар ўлчами –
- a) Товуш.
  - b) Минор.
  - c) Такт.
  - d) Товуш чўзимлари.
  - e) Ритм.
10. Товушларни нима ёрдамида миёрига қўйиб чалинади.
- a) Сол калити.
  - b) Такт.
  - c) Зарб.
  - d) Товуш чўзимлари.
11. Муסיқали товушлар.
- a) Баландликга эга бўлган товуш.
  - b) Чолғу асбобларининг товушлари.
  - c) Минор.
  - d) Барча жавоблар тўғри.
12. Шовқин товушлар.
- a) Баландликка эга бўлган товуш.
  - b) Транспорт товушлари.
  - c) Баландлиги ноаниқ товуш.
  - d) Баландликка эга бўлмаган товуш.
13. Нимчорак нота белгиси тўғри кўрсатилган қаторни топинг.
- a) □
  - b) □
  - c) □
  - d) □
14. Ноталар кетма-кетлиги тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.
- a) До, си, ре, ля, ми, сол, фа.
  - b) До, ре, си, ми, фа, сол, ля.



- c) До , ре, ми, фа, сол, си, ля.
- d) До, ре, ми, фа, сол, ля, си.

### **Оилада ва болалар боғчасида муסיқа саводиниңг ахамияти**

Муסיқа болага ҳар томонлама ёрдам бериб, теварак-атрофни образли, эмоционал идрок этиш ва бола характернинг шаклланишига таъсир кўрсатиш учун муסיқа тарбиясининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар кўйилади:

1. Болада муסיқий қобиятни ривожлантириш.
2. Болаларни ашула айтиш ва муסיқавий ритмик малакаларга ўргатилиб, уларда муסיқани қабул қилишни хис этиш ва тушиниш қобиятларини тарбиялаш.
3. Болада бадий ижодий қобиятларни ривожлантириш. Муסיқийликнинг ривожланиши туфайли болалар муסיқа образларини, уларнинг атрофдаги қўшимча, образларни болалар ёрқин хис эта бошлайдилар. Бу эса, ўз навбатида уларнинг теварак-атрофни билишда, эстетик баҳоланишни тарбиялашда катта ахамиятга эга. Болаларни муסיқа билан шуғуллантиришнинг сабаби бола муסיқа билан шуғулланмасдан, кўшиқ айтиш ва муסיқа – ритмик ҳаракатлар қилиш кўникмаларини юзага келтириб, шу соҳа билан боғлиқ билимларни ўзлаштириши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларга ва тарбия беришнинг ўзаро узвий боғланган учта методи бор:

1. Кўргазмали метод.
2. Сўзлаб бериш методи.
3. Амалий фаолият методи.

### **Кўргазмали метод**

1. Эшитишга асосланган кўргазмали метод. Бунда болага ўргатиш бевосита муסיқа билан бўлади. Муסיқа эшитиш махсус машғулот пайтида ёки бола томонидан кўшиқ

ва мусиқавий ритмик ҳаракатларнинг ижро этилиши.

2. Кўришга асосланган кўрғазмалilik. Мусиқа садолари билан кўшиқ олиб борилади. Турли ўйин, рақс, машқ ҳаракатларидан намуналар кўрсатилади.

### **Сўзлаб бериш методи**

Бу метод бола онгига мўлжалланган бўлиб, унинг фаолиятини маъноли ва мазмундор қилишга қаратилади. Бунда педагогнинг сўзи мусиқа асарининг дастурини тушуниб олишда болага ёрдам беради. Унинг тасаввурини жонлантиради.

Сўзлаб бериш методининг куйидаги усуллари бор:

1. **Тушунтириш** – янги асарни тинглаш, кўшиқ айтиш, ўйин ва рақсларни кўшиб, машқ қилиш давомида фойдаланилади.

2. **Изоҳлаш** – изоҳлар ижро, рақс, машқ ҳаракатларини, кўшиқ айтишнинг турли йўллари кўрсатишда қисқа ва аниқ шаклда берилади.

3. **Кўрсатма бериш** – болалар ўйини рақс ва машқларни бажараётган пайтда берилади. Масалан: ўнг елка томондан айланиш керак, оёқ бармоқларини пастга чўзиш каби.

### **Амалий фаолият методи**

Бу фаолиятда болаларга кўшиқ айтиш ва мусиқали ритмик ҳаракатларни бажаришда шундай раҳбарлик қилиш керакки, улар топшириқни мумкин қадар таъсирли ва ифодали бажаришга интилсин. Болаларни ўргатиш жараёнида ёш хусусиятларини ҳисобга олиб топшириқларни аста-секин мураккаблаштириш мумкин.

### **Болалар боғчасида болаларни мусиқага ўргатиш босқичлари**

**1-босқич:** Мусиқа асари билан дастлабки таништириш;  
Янги кўшиқни ўргатиш жараёнида педагог турли

муסיқа асбобларда чалдириб, куйни ўзаро таққослайди ва шу йўл билан уни хотирасида қолдиради.

**2-босқич:** Қўшиқ ва муסיқа ритмик ҳаракатларини ижро эта олиш кўникмаларини бўлишни шакллантириш.

**3-босқич:** Кўникмалар ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш. Бунда топшириқни автоматик равишда бажара оладиган қўшиқ, ўйин ва рақсни мустақил ижро этадиган даражада муסיқа таълимини бериш, турли методик усулларнинг барчасидан фойдаланишни тақозо этади.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Оилада муסיқа саводини олиб боришда тарбиянинг ўрни қандай?

2. Оилада ва болалар боғчасида муסיқа саводининг ўрни ва аҳамияти қандай?

### **Оилада ва боғчада болаларни ашула айтишга ўргатиш**

Қўшиқ ҳар томонлама болани камолга етаклайди. Болалардаги муסיқий қобиятни ривожлантиришга ҳамда боланинг баркамол етук авлод кишиси сифатида ўсишига ёрдам беради. Болалар боғчасида ўргатиладиган ҳар бир қўшиқ мазмуни ва характерини онгли тушунишга ўргатиш керак бўлади. Авваламбор тарбиячи бирор бир шеърни ёд олишни дастурдан фойдаланган ҳолда ўрганади. Ҳар бир танланган шеър боланинг қизиқишлари, боланинг ишлари, гуруҳлари ҳамда фаслларга қараб байрамларнинг турларига қараб ўргатилади. Қўшиқ боланинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Қўшиқ инсон тафаккурини ва онгини ривожлантиради. Биз қўшиқни болаларга ўргатаётганда аввал қўшиқ куйини, кейин шеърини мисрама-мисра ўргатамиз. Қўшиқ куйини ўргатганда тўрт хил муסיқа асбоблари орқали чалиб ёки бўлмаса, бирор-бир жониворнинг овозларини бериб, ўргатишимиз мумкин. Шеърни эса бўғинларга ажратиб ёки чапаклар орқали ёд олдиради. Болалар шеърларни тезроқ ёд олишлари учун шеър матнларини такрор айтишимиз керак. Агар боланинг хаёли бир жойда

бўлмаса, мусика товушларини ва шеърни тез ёд олишлари мураккаб бўлади. МТМ ёшидаги болаларнинг онги, ҳали ривожланмаган бўлади. Шунинг учун улар куйни секин ва узоқ муддатда ёд олишади. Болаларга мусика товушларини тушунтириб ўргатиш зарур.

Болалар тарбиясида кўшиқнинг роли катта. Кўшиқ лириканинг энг қадимги турларидан бўлиб, куйлашга мўлжалланган бир неча модели шеърдир. Кўшиқлар куй ва оҳанг билан айтилади. Баъзан кўшиқ ўйин билан бирга ижро этилади. Демак кўшиқ учун шеър ва куй керак. Кўшиқ халқ оғзаки ижодининг энг кўп тарқалган ва оммалашиб кетган жанрларидан биридир. Кўшиқлар халқ турмуши ва меҳнатнинг ижодий маҳсули бўлиб, унда халқнинг орзу-

тилаклари қалб садолари турли-туман ҳаётий туйғулари ифодаланган. Кўшиқлар ўқувчиларнинг нафосатини ўргатишга, уларни ҳаёт ва меҳнатга, муҳаббат, ватанпарварлик, дўстлик, қаҳрамонлик, байналминаллик, инсонпарварлик каби олийжаноб фазилатлар руҳида тарбиялшга ёрдам беради. Кўшиқ ҳаёт моҳияти ва мазмунига мос шаклларда тузилади. Масалан: болалар боғчаларида тарихий кўшиқлардан фойдалансак бўлади. «Хон зулми», «Минг лаънат», «Хондан дод» ва шунга ўхшаш мусикалардан фойдаланиш мумкин. Яна ўзимизнинг миллий мусикаларимизни айтишни ҳам болаларга ўргатишимиз мумкин экан. Масалан: «Читти гул», «Бойчечак», «Лайлак келди» ва ҳоказолар.

Бу мусикалар мавзу жиҳатдан меҳнат, ишқий, лирик қаҳрамонлик кўшиқларига ва шу каби бошқа турларга бўлишимиз мумкин. Ҳаёт тажрибаларига асосланмаган ранг-баранг кўшиқлар орқали халқнинг ғам-ҳасрат, душманга нисбатан гаъзаб ва нафрати каби ҳис-туйғулари изҳор этилади.

Кўшиқ болани эркалатади, ўйинга бошлайди, уни ҳис қилиш қобилиятини ўстиради, фикрлашга ўргатади.

Бола туғилган куниданоқ онанинг меҳр тўла алласини тинглайди. Бунда онанинг болага бўлган самимий чуқур

муҳаббати билан бирга, фарзанднинг жамиятга мос, яхши фарзандлар эгаси бўлиб тарбияланишини таъсирли, оҳангдор кўшиқ орқали ифодалайди:

Алла, болам, алла,  
Жоним болам, алла.  
Икки кўзим, алла,  
Ширин сўзим, алла.  
Алла болам, бахти  
бор,  
Ҳар нарсанинг вақти  
бор. Жоним болам,  
алла, Ширин сўзим,  
алла.  
Икки кўзим, алла,  
Жоним болам, алла,

Аллада яхши тарбия кўрган бола жамоа ўртасида, тўй томошаларда, ота-онанинг обрўси унинг шухрати сифатида

таърифланади. Алла болани чақалоқлик давридан оҳанглар воситасида эзгуликка чорлайди.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Оилада ва боғчада ашула айтишнинг асосий вазифалари нимадан иборат?
2. Кўшиқ учун куй ва шеърнинг аҳамияти қандай?
3. Болалар тарбиясида кўшиқнинг таълимий ўрни қандай?

### **Турли гуруҳларда мусиқа тинглашнинг назарий услубияти**

Мусиқани тинглай билиш ва ундан эстетик завқлана олиш ҳам катта санъат ҳисобланади.

Кишида мусиқа тинглаш маданияти ёшлигидан ривожлана бошлайди. Боғчада амалга ошириладиган мусиқа тинглаш эса унинг пойдеворидир. Зотан бола мусиқа

машғулотларининг барча элементлари жараёнида ҳам муסיқа тинглаб, уни идрок этади. Аммо машғулотнинг муסיқа тинглаш қисми олдида ўзига хос жиддий вазифалар туради. Аввало шуни эслатиш лозимки, кишининг куйлаш имкониятидан кўра тинглаш имконияти анча кенг бўлади. Масалан: оркестр, хор, якка чолғу ижросидаги асарларни куйлаб эмас, балки фақат тинглаб, идрок этиш мумкин, холос. Шунинг учун олимлар муסיқавий тарбия жараёнида муסיқа тинглашга алоҳида эътибор қаратишади. Чунки киши муסיқа маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида муסיқа тинглаш, малака, кўникмалари катта рол ўйнайди. Муסיқа тинглашда болаларнинг бадий идроки яхши ривожланиб боради. Машғулотнинг муסיқа тинглаш қисми олдида қуйидаги вазифалар туради:

1) болаларни ўз идрокига мос халқ классик ва замонавий муסיқа намуналари билан таништириб бориш;

2) болаларнинг муסיқани идрок қилиш қобилиятларини ривожлантириб бориш;

Муסיқа ҳақида бошланғич маълумотлар беришни ўргатадиган асарлар номларини эслашга, уларнинг мазмуни, характери ва ифода воситаларининг фарқига боришга ҳамда тинглаган асарларига

маълум миқдорда бадий баҳо бера олишга ўргатиш.

Кичик гуруҳ болаларнинг диққати унча барқарор бўлмаганлиги туфайли улар ёрқин янграйдиган кичик-кичик муסיқа асарларини идрок этишга қобил бўладилар. Улар айниқса, кичик кўшиқларни яхши идрок этадилар. Чунки, сўз ва оҳанг бирлиги муסיқа мазмунини осон идрок этишга ёрдам беради. Хусусан, тарбиячи ашула айтганда унинг таниш овози ва ифодалаш интонация мимикаси ва ишоралари болаларни мафтун этади. Шу вақтда болаларда ҳосил бўладиган завқланиш, ажабланиш, қувониш ҳолатларини кузариш мумкин. Аммо бу ҳолатлар тез ўйғониб, тез сўнади.

4 – 5 ёшли болаларда диққат эътиборнинг бир мунча эмоционал турғунлиги вужудга келади. Улар рақс типидagi куйларни жонли, баъзан жўшқин ҳолатда идрок этадилар.

Енгил, куйчан мусиқаларни бирмунча хотиржам идрок этадилар. Бу ёшдаги болаларда мусиқа мазмуни ва характерини билишга айниқса, унда нима ҳақида ҳикоя этилишини билишга қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун уларда мусиқа хотираси анча фаол ривожлана бориб, тинглаган мусиқа ҳақида ўз таассуротларини ҳикоя қилиб бериш иштиёқи пайдо бўлади.

5 – 6 ёшли болаларда эса эркин, ихтиёрий тарздаги диққат эътибор шаклланиб, мусиқани диққатни йиғиб тинглаш, унинг айрим деталларини англаб олиш қобилияти ривожланган бўлади. Уларда мусиқага қизиқиш кўпроқ сеvimли асарларни такрор-такрор тинглаш жараёнини яхши ривожланади. Улар мусиқадаги умумий кайфиятни яхши сезиб, асарда бадиий образнинг ривожланиб боришини кузатишни ўрганиб борадилар. Янги асар билан илк бор таништиришга тарбиячининг киска ва қизиқарли тушунтирув сўзи катта рол ўйнайди. Чолғу куйлари характери ва бадиий мазмуни ҳақида болаларга тушунча берилса, улар асарни яхши идрок этадилар. Асарни 2 – 3 машғулот давомида такроран тинглаш шарт. Чунки, ҳар бир тинглашда бола учун асарнинг янги

— янги қирралари намоён бўлади ва асарга нисбатан уларнинг мухаббати ошиб боради. Боғчанинг тайёрлов гуруҳларида бола ўз ёшига мувофиқ мусиқа асарини тўла идрок этишга қодир бўлади. Боғчада олинган билим захирасида малака ва кўникмаси, мусиқа турлари ва унинг характери фаркига боришга ёрдам беради. Шундай қилиб, дастурда кўзда тутилган ва боланинг мусиқа маданияти ривожланишида келажакда асосий рол ўйнайдиган уч фактор амалга ошади.

1. Мусиқага қизиқиш мусиқа асарларини иштиёқ билан тинглаш ва уларни эслаш, олинган таассуротларни ўйлаш.


2. Мусиқа тинглашга турғун диққат-эътиборни ва тинглаш маданияти бошланғич элементларининг шаклланиши.

3. Мусиқий дидининг шаклланиши, мусиқа асарларига бадиий баҳо бера олиш.

Турли гуруҳларда мусиқа тинглашнинг назарий услубий

вазифалари:

1. Муסיқа тинглаш орқали болаларда ҳис-туйғуларини ривожлантириш.
2. Бошланғич муסיқа тинглаш тушунчаларини ривожлантириш. Муסיқа тинглаш алоҳида методлар орқали ўтказилади.



*Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Муסיқа тинглашнинг вазифалари нималардан иборат?
2. Муסיқа тинглашнинг тартиб ва қадамлари қандай?
3. Муסיқа тинглашнинг асосий методлари қайсилари?

### **Муסיқа асбобларида ижро этиш ва унинг вазифалари**

Муסיқа маданияти дарсларида бу фаолият тури энг кизиқарли машғулотдир. Болалар чолғу асбоблари жонли товушли ўйинчоқлар сифатида ҳар бир ўқувчини кизиқтиради. Чапак ва болалар чолғу асбобларида ритмик жўр бўлиш, муסיқанинг характери ва образларни чуқурроқ ҳис этишда, уларга хос эмоционал туйғулар ҳосил этиш, айниқса болаларнинг ижодий қобиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Муסיқа




маданияти дарсларида болалар чолғу асбобларидан фойдаланиши ижобий натижалар бериш билан бирга, ўқувчиларнинг дарсга интилувчанлигини, қизиқиши ва мусиқий укувини ўстиради. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлишда, аввал ўқувчилар чапак чалиб, ритмик жўр бўладилар, ўқитувчи ўқувчилар куй ритмини тўғри хис этиб, ижро этишлари учун, болаларга стол устида териб қўйилган чолғу асбобларида чалиб, мусиқага жўр бўлишларини айтиб қўйиш лозим. Сўнгра бирор чолғуда куйни ўзи ижро этиб, чапак билан жўр бўлишини кўрсатади. Кейин барчани куйга чапак чалиб, жўр бўлишини таклиф этади ва ижро жараёнини диққат билан кузатиб, болалар чолғу асбобларини тарқатиш учун илғор ўқувчиларни танлайди. Чолғуларда чалишга ҳамма интилади, албатта. Шунинг учун берилган асарни болалар хато қилмай, мусиқани тоғри хис этишга ва хотирада сақлашга ҳаракат қиладилар. Кейинчалик ижро турлари мураккаблаштирилади. Айни ҳолда синфни икки гуруҳга бўлиб И гуруҳ чапак чалиб, ИИ гуруҳ овозда усул бериш билан ҳам жўр бўлиши мумкин.

Мусиқа дарсида қўлланиладиган болалар чолғу асбоблари икки турга бўлинади: *куйчан* ва *куйчан бўлмаган* чолғу асбоблар. Куйчан чолғу асбобларга: металлофон ва ксилафон; куйчан бўлмаган чолғу асбобларга: доирачалар, румбалар, маракасалар, учбурчаклар, қўғирчоқчалар, шакилдоқлар, барабанчалар, ёғоч қошиқлар киради.

Мана шу мусиқа асбоблардан тузилган:

1. Оркестр – турли чолғуларда чалувчи кўп созандалардан тузилади.
2. Дирижор – оркестрга раҳбарлик қилади
3. Ансамбл – турли чолғуларда чалувчи созандалардан тузилади
4. Солист – яккахон созанда ёки яккахон хонанда бўлиши мумкин.



### «Наво париси»

**Болаларимизни қадриятларимиздан миллий муסיқа  
асбобларимизни эъзозлаш руҳида тарбияловчи машғулот  
баёни**

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар ва қадрли болалар! Бугун боғчамизда байрамона тантана томоша кўрсатилади. Артистлар ким экан, дейсизми? Мана улар. Қани, қарсақлар билан кутиб олайлик (муסיқа хонасига болалар киради, меҳмонларга ўз қўллари билан тайёрлаган концерт дастурини тарқатадилар ва жойларига бориб ўтирадидилар).

**Бошловчи:** Қани чалинг муסיқани, биринчи навбат раққосаларга. **Тарбиячи:** Кечирасиз! Жон деб чалар эдим-ку, лекин муסיқа чала олмайман – пианинонинг муסיқа оҳанглари йўқолиб қолибди.

**Болалар:** Ноталарми? Китобларингизми?

**Тарбиячи:** Йўқ, нота китобларим жойида. Муסיқа садолари йўқ.

**Бошловчи:** Болаларимиз ноталарни билишади, тўғрими болалар? Қани ҳаммамиз жўр бўлиб овозларни созлаб

олайлик-чи? (Ҳамма бо

**Тарбиячи:** Баракалла. Мана, «до» мусиқа оҳанги пайдо бўлди. Қани, шеър айтиб, ўйин ўйнаб туринглар-чи, балки хонага етгита товуш ҳам қайтиб келар.

Шеърлар айтилади.

Ўйин. «Беш қарсак» (Ўзбек халқ болалар ўйини).

**Тарбиячи:** Пианинода фақатгина битта товуш – «до» чиқяпти. У билан мусиқа чала олмайман. Энди нима қиламиз? (Мусиқа садоси э шитилади)

**Бошловчи:** Ниманинг товуши бу?

**Болалар:** Доира-ку! (Тўсиқнинг орқасидан иккита бола чиқиб, доира чалиб кўшиқ айтади). Лапар. «Яллола бобо» (Ўзбек халқ кўшиғи). Баракалла, раҳмат болалар, меҳмонларни хушнуд қилдингиз.

Тўсиқ ортидан рубоб, дутор овозлари  
эшитилади.

**Бошловчи:** Вой, миллий мусиқа асбобларини бутунлай нутибмиз-ку.

**Тарбиячи:** Раҳмат, келинлар! Қаранг, пианинога энди «ре» товуши ҳам қайтиб келди.

Ракс: «Қари наво».

**Бошловчи:** Гижжак ҳақида ривоят айтиб беради.

**Тарбиячи:** Қандай ажойиб! Ҳамма мусиқа тувушлар қайтмоқда. Ашула: «Чучвара қайнайди» (Ўзбек халқ мусиқаси).

**Бола:** Боғча опа! Қаранг, мен нима топиб олдим (тол новдасидан найни кўрсатади).

**Бошловчи:** Болалар, бу «най»ни қадимда чўпонлар чалишган. Найнинг жуда кўп қариндошлари бор биласизларми?

**Болалар:** Биламиз! Карнай, суйнай, кўшнай, ноғора, доира Топишмоқлар:

1. Узун терак

йиқилди, Учи менинг

қўлимда. Зағизғон

сайрайди,

Сочи менинг қўлимда. (танбур)

2. Тонгда туриб гилам қоқдим,

Чанги жаҳонга кетди. (ноғора)

3. Ўзи митти,

Овози оламга етти. (сурнай)

**Бошловчи:** Энди биз болалар билан ўзбек халқ мусиқа асбобларини доимо тинглаймиз, чалишни ҳам ўрганамиз.

**Болалар:** Мусиқа асбоблари ҳақида шеър айтадилар. **Лапар:** «Мунди-мунди». Ўзбек халқ кўшиғи. Бошловчи:

1. Миллий урф-одати билан, Кўшиқ санъати билан

2. Ниҳолимиз улғайсин, Боғларимиз кўкарсин.

3. Келажагимиз бахтли бўлсин, Авайлайлик ота-бобо меросин. Ҳамма:

Ҳар доим яхши кунда, Куй-наволар янгрисин.

«Ўзбекистон –қуёшли диор» кўшиғи ижро этилади.

**Мақсад:** Болаларга халқ мусиқа ижодиёти ҳақида тушунча бериш, миллий мусиқа асбоблари ҳақида маълумот бериш ва уларни чалиб, турини топиш.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Қандай миллий мусиқа асбоблари болалар боғчасида қўлланилади?

2. Болалар учун мўлжалланган қандай мусиқа асбобларининг номини биласиз?

### **Халқ мусиқа ижодиёти билан таништириш**

Бугунги давримизда, миллий кадрятларимизнинг қайта тикланиш жараёни маданий меросимизнинг, шу жумладан, кўп асрлар давомида шаклланган бадиий меросимиз, анъаналаримиз ҳар томонлама ўзгаришни тақозо этмоқда.

Халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган миллий куй-кўшиқларимиз муҳим қимматли манбалардан бири. Уларни

кенг миқёсда ҳаётга тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, кўшиқчилигимиз санъатининг буюк тарихини ҳар томонлама ўрганиш ва бу борада чуқур изланишлар қилиб халқимизга етказиш учун кенг имкониятлар очилди.

«Халқ мусиқа ижодиёти» ўқув курси халқ мусиқаси ансамблларига раҳбар кадрлар тайёрлаш жабҳасида махсус ва етакчи фанлардан ҳисобланади. Талабалар халқ мусиқа ижодиёти машғулоти жараёнида нафақат кўшиқчилигимиз тарихини, балки неча асрлардан бери яшаб, ижод қилиб келган устоз бастакорлар ижодини ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

«Халқ мусиқа ижодиёти» фани халқ анъанавий ижрочилиги тажрибаларининг назарий ва ижодий умумлаштирилган «ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамбли раҳбари» ихтисоси бўйича мутахассис ёшларни тайёрлашга тааллуқли хусусий масалаларни ўрганувчи ва ўргатувчи фандир. Халқ мусиқа илдизлари, ўзбек бастакорлик санъатининг ривожлантириш тарихига мухтасар назар ташлашга ҳаракат қилинди. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти ҳамда кўшиқчиликни тиклаш ва ривожлантиришга улкан ҳиссаларини кўшган устоз бастакорлар ижоди, ҳаётий фаолиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

20-йилларда чинакам ўзбек профессионал мусиқаси мавжуд эмасди. Уни яратиш учун халқнинг бой мусиқа меросига ва замонавий кўшиқ ижодкорларига таяниш лозим эди. Шунга кўра лоақал уч йўналишда жуда катта тайёргарлик ишларини амалга оширишга тоғри келди: ҳаммабоп концертлар ва дostonлар орқали мусиқа санъатининг ютуқларини тарғиб қилиш; ўзбек мусиқа меросини изчил ўрганиш; зарур кадр ва мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш учун кенг кўламда мусиқа таълимини йўлга қўйиш.

20-йилларда, ҳатто 30-йилларнинг бошларида республикамиз мусиқа маданиятида билимлар тўплаш ва аста-секин юксалиш даври бўлган, дейиш мумкин. Ўша даврда янги кўшиқ яратилди ва ҳаётга тадбиқ этилди. Уларнинг муаллифлари юқорида айтилганидек, халқ

санъатининг вакиллари, яъни бастакор ва методистлар бўлиб, ўша даврларда ўзбек бастакорлари йўқ эди. Лекин методистлар орасида ўзбек халқ мусиқа санъатининг машхур намояндалари анчагина бўлиб, уларнинг кўп асарлари бизгача етиб келди ва ҳозирда ҳам яшамокда. Ана шундай кўшиқлардан биринчиси М.Харратовнинг 20-йиллар охирида ёзилган

«Колхоз марши» кўшиғидир. Худди ўша пайтда А.Умаровнинг «Қизил аскар» марши ҳам яратилган.



*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Халқ мусиқа ижодиётларининг ҳозирги даврдаги ўрни қандай?

**Нотага қараб куйлаш. «Баҳор» кўшиғи И.Акбаров мусиқаси**

Ҳар бир кўшиқ педагогик мақсадларни амалга оширишни кўзда тутиб танланади. Кўшиқларни танлашда давомийлик, изчиллик, илмийлик ва оддийликдан мураккабга қараб бориш тамойилига риоя қилинади. Унда ҳар бир янги кўшиқ олдингисидан ҳосил этилган вокал хор малакаларини мустаҳкамлайди ва уларни ривожлантиради. Кўшиқ ўқувчилар руҳиятига, бадийий-ғоявий мазмуни, йил, чорак мавзулари, йил фасллари, байрамлари, ўқувчилар ёшига мос бўлиши керак.

Қўшиқларни куйидаги талабларга кўра танлаш тавсия  
э тилади:

— қўшиқларнинг тарбиявий аҳамияти, сиёсий ғоявий  
мазмун, музикий тузилиши ва характерининг ўқувчилар  
ёшига мослиги;

— қўшиқ матнининг осонлиги, бадиий юксаклиги  
болаларнинг луғат бойлиги ва уларнинг нутқини ўстириш  
учун хизмат қилиши;

— қўшиқ оҳанги, унинг характери, лад ва теситураси,  
овоз диапазони ўқувчилар ёшига мос бўлиши;

— қўшиқнинг бадиий хусусияти ва ифодавийлиги, болалар  
идрокига мослиги, гармоник тузилиши ва оҳангдошлиги;


— қўшиқнинг шакли, неча қисмдан иборатлиги,  
нақоратнинг мавжудлиги.

## Баҳор

К.Раҳим

И.Ақбаров

### Ўртача тез



Cha-man, cha-man o-chi-lar ba-hor cho-g'i gul-lo-la  
Gul-ni yax-shi ko'-ra-di kat-ta ki-chik har bo-la  
Ket-gan qush-lar u-zoq-dan ya-na biz-ga qay-ta-di  
Kur-tak och-gan shox-lar-da say-rab qo'-shiq ay-ta-di.

Баҳор чоғи кўп яхши,  
Ариқ тўлиб сув оқар.  
Майин елган шабада,  
Баданларга хўп ёқар.

Учиб ўтар осмондан,  
Гала-гала сухсур, ғоз.  
Гўзал баҳор кетидан,  
Етиб келар иссиқ ёз.

### Болалар боғчасида «Наврўз» байрамини нишонлаш

Байрам эрталиклари боғча ҳаётининг энг муҳим ва таркибий қисмига айланган бўлиб, тантанаворлик, хурсандлик ва шодлик ҳолатини вужудга келтиради, болаларнинг бадий дидини тарбиялайди.

Наврўз байрамида уйғонаётган борлиқ – табиат улуғланади. Қадрият, урф-одат, удумларимизни акс эттирувчи мазкур байрам табиат уйғониши, янги меҳнат



мавсумининг бошланиши, табиат ғозаллигидан завқланиш ва уни асрай билиш, кўкаламзорлаштириш,

меҳнатни улуғлаш каби ғояларни ўзида мужассам этади. Кўшиқ- яллар куйланади, ўлан айтишувлар ва турли хил кизиқарли ўйинлар ўтказилади. Бу байрамни боғча шароитидан келиб чиққан ҳолда, залда ёки ҳовлида ўтказиш мумкин. Қадимда шарқ халқлари ўз сайлларига одамларни карнай-сурнай орқали чорлаганлар. Шунинг учун байрамнинг тантанали қисмида миллий чолғу асбобларидан фойдаланиш лозим. Бадиий қисимда қувноқ кўшиқлар янграйди.

### «Наврўз – баҳор байрами»

Зал байрамона безатилган. «Чаманда гул» (ўзбек халқ мусикаси) куйи янграйди. Залга қувнаб, ўрта гуруҳ болалари кириб келадилар.

**Бошловчи:** Майса бошин кўтарди ердан,  
Гул баҳордан бермоқда дарак.  
Кушлар кўшиқ, соз,  
куй билан, Гул баҳордан бермоқда дарак.

*(М.Абдусамотова)*

Ассалому алайкум, ширин шакар ўғил-қизларим! Атрофга бир назар ташланг. Қандай чиройли! Табиат яшил либосга ўранган. Йилнинг энг чиройли фаслида қир-адирларда чучмома, бойчечак, лолақизғалдоқлар очилган. Ўлкамизда баҳор кезмоқда. Бу фаслда қандай байрамни нишонлаймиз?

**Болалар:** Наврўз байрамини нишонлаймиз.

**Бошловчи:** Жуда тўғри, наврўзни ҳар йили зўр қувонч, катта тайёргарлик билан кутиб олиш элимизнинг энг яхши одатларидан бири бўлиб қолган. Кўшиқлар айтиб, рақсага тушганлар. Хурсандчилик қилганлар.

Карнай-сурнай садоси янграйди. Беқасам чопон кийиб, белига қийиқча боғлаган, оёғига этикча кийган бола от

(бутафория) миниб залга киради.

**Бола:** Ҳо-ой , болалар-у, болалар!

Эшитмадим деманглар! Бугун боғчамизда наврўз байрамига бағишланган катта сайл бўлади. Ҳаммангизни сайлга таклиф этаман (жарчи чиқиб кетади).

**Бошловчи:** Вой, қандай яхши болалар. Мана, биз ҳам сайлда қатнашадиган бўлдик. Энди навбат, сизларга.

Марҳамат болалар!

**1-бола:** Биз баҳорда  
чиқамиз, Далаларга,  
боғларга.  
Гул-лолалар очилган  
Кўм-кўк майсазорларга.

**2-бола:** Бир томонда  
қизчалар Гуллар териб  
ўйнашар.  
Бир томонда  
кушчалар Бизни  
кутлаб сайрашар.

**3-бола:** Далаларда  
очилди Гунафшалар,  
лолалар.  
Бизга учиб келишди  
Майна, булбул,  
саъвалар.

**4-бола:** Қўлларида соз  
билан, Гул-ғунча пардоз  
билан. Учиб турна ғоз  
билан, Ўкамизга баҳор  
келди.  
Баҳорни кутинг боғда,  
Боғ эмас, дала жойда.  
Кушлар сайраган чоғда  
Севимли баҳор келди.

Болалар «Гуллар» кўшиғини куйлайдилар (Ж.Нажмиддинов мусикаси) кизлар гуллар билан рақсга тушадилар.

**Бошловчи:** Раҳмат, кизлар, жуда чиройли рақсга тушдингиз.

**1-бола:** Баҳор келди. Гул баҳор, Этагида гул тутиб.  
Бизга интиқ лолазор,  
Қирлар бағрида  
кутиб.

**2-бола:** Атроф тўла ҳар хил гул, Чучмома-ю, бинафша.

Бизнинг кўкламлар буткул  
Чиройлидир ҳамиша.

**3-бола:** Бинафшахон,  
бинафша, Кулишларинг  
чиройли.  
Боғимизда очилиб,  
Туришларинг  
чиройли.

Болалар тарафма-тараф бўлиб, «Биздан сизга ким керак?» айтим ўйинини айтишув тарзида кўллайдилар. (Й.Қурбонов шеъри, М.Наси- мов мусикаси).

Шу пайт момоқалдиروق гумбурлайди.

**Бошловчи:** Болажонлар, эшитяпсизми, момоқалдиروق гумбурла- япти. Ҳозир ёмғир қуяди. Тезроқ панага ўтамиз.

«Ёмғир ёғалок» ўзбек халқ болалар кўшиғини куйлайдилар.

**Бошловчи:** Мана, болалар, ёмғир ҳам ёғиб ўтди. Қаранг, куёш чарақлаб чикди. Вой, эшик тақилляпти. Қарай-чи, ким экан?  
(Камалак қизчани бошлаб киради.) Болажонлар,  
камалакой

меҳмон бўлиб келибди. Киравер,  
камалакой!

**Камалак:** Ассалому алайкум, болалар!

**Ҳамма:** Ваалайкум ассалом, камалакой.

**Бошловчи:** Келганинг жуда яхши бўлди-да, камалакой. Бизнинг боғчамизда наврўз сайли бўляпти. Болалар, камалакнинг кўйлагига қаранглар, жуда ранг-баранг эканми?

**Болалар:** Оқ, қизил, сариқ, яшил. Лентаси ҳам турли рангда экан.

**Камалак:** Сизларни, наврўз – баҳор байрами билан табриклайман! Сизларга гулчамбарлар, тол баргидан сочбаргаклар келтирдим, мана тақиб олинглар.

Болалар бошларига гулчамбарлар, сочбаргаklarини такадилар, камалаклар билан биргаликда кўшиқ куйлайдилар, ўртада иккта қиз рақсга тушади.

«Кўшиғимиз авжида» айтим-ўйинини ижро этадилар. (Ф.Комилов шеъри, Т.Азимов мусиқаси.) Қошиғимиз авжида,

Лайлум, лалалум.

Ўртага туш Мавжуда,

Лайлум, лалалум.

Бизларга жўр

бўлинглар, Лайлум,

лалалум.

Шеър: «Чучмома».

**Бола:** Хипчабелл эй,

кўкат, Қайси боғнинг

гулисан?

Очиғини бизга айт,

Қайси фасл сунбулисан?

Мен Ўтлоқнинг

қизиман,

Онам баҳор, чучмома.

Мен баҳор юлдузиман,

Мен чучмома, чучмома!

«Бахтий эркатой» ҳазил кўшиғини куйлайдилар (Т.Тошматов мусиқаси).

**Бошловчи:** Болалар, энди мусобақа ўйнаймиз. Аввал қизлар, сўнгра ўғил болалар мусиқага мос рақсга тушадилар.

Марҳамат, қизлар! Қизлар «Асп бўламан» ўзбек халқ муסיқасига, ўғил болалар эса «Чертмак» ўзбек халқ муסיқасига рақсга тушадилар.

**Бошловчи:** Қани камалак, айт-чи, ким рақсга яхши тушди? Қизларми ёки ўғил болалар?

**Камалак:** Қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам муסיқага мос рақсга тушдилар. Раҳмат, дўстларим. Энди мен борай. Шу пайт патнисда кўк сомсалар кўтариб, «Чўпон бола» киради.

**Чўпон бола:** Ассалому алайкум!

**Хамма:** Ассалому алайкум!

**Чўпон бола:** Мени танидингизлар-а? Мен чўпон бола бўламан! Дадам, ойим, акаларим билан анави қирда яшаймиз, ўша ерда кўй боқамиз. Узокдан сизни сайлга чиққанингизни кўриб қолдик. Ойимлар кўк сомсалар ёпиб, сумалак пишириб, сизларга бериб юбордилар.

**Бошловчи:** Чўпон бола, сен жуда вақтида келдинг-да. Мана, камалак ҳам шу ерда.

**Чўпон бола:** Жуда яхши. Ҳаммамиз биргаликда кўк сомса еймиз. «Чаманда гул» куйи янграйди. Ҳаммалари гиламчага ўтириб, кўк сомса ва сумалакдан танаввул қиладилар.

**Камалак:** Болалар, сизларга катта раҳмат. Сайл менга жуда ёқди. Энди ҳар йили наврўз байрамини сизлар билан бирга нишонлайман. Хайр, болалар!

Чўпон бола ҳам хайрлашиб, чиқиб кетади.

**Ҳамма:** Хайр камалак, хайр чўпон бола.

Болалар учтадан, тўрттадан бўлиб, тўп-тўп бўлиб, кизларнинг бошида гулчамбар, шўх-шодон қувнашиб, сайл ҳақида гаплашиб, чиқиб кетадилар.

### **Болалар боғчасида муסיқий ритмик ҳаракатларга ўргатиш методикаси**

Истиклол шарофати билан Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, мактабгача тарбия муассасалари учун «Таянч дастур», «Таълим тўғрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Давлат таълим стандартлари жорий этилди. Ушбу қонун ва дастурларнинг асосий мақсади ёш авлодни ҳар томонлама ривожланишга уларни ақлан етук, жисмонан бақувват, маънавий пок қилиб тарбиялаб, вояга етказишдан иборат.

Ритмиканинг асосчиси Швецариялик олим муסיқашунос композитор Э.Жак-Долкрос шундай деган эди: «Ритм ҳаракатлар асосида яшамок керак». Муסיқий ўйин ва машғулотлар болаларнинг уч ёшдан етти ёшгача тавсия этилади. Ритмик ҳаракатлар болалар боғчасида бошланғич гуруҳларда ва муסיқа мактабларида, уй шароитида янада чуқурроқ ўрганилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг ақлий, нафосат ва жисмоний ривожиди рақс, мусиқали ўйинлар ва муסיқага мос ҳаракатлар бажариш муҳим аҳамият касб этади. Бунда муסיқа маданияти дарсларида, муסיқага мос ҳаракатлар бажариш қуйидаги вазифалардан иборат:

— ўқувчиларнинг муסיқий укуви, айникса, хотираси, ритм туйғуси муסיқага мос ҳаракатлар ёрдамида яхши ривожланади. Ҳар қандай ҳаракат тури муסיқий асарнинг суръати ва ритми остида бажарилади, ҳаракат билан боғлиқ бўлган муסיқий оҳанглар бола хотирасида турғун сақланади;

— рақс ва муסיқий ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик,

чаққонликни ривожлантириб, қоматининг тўғри ўсишига ва баданини чиниқтиришга катта ёрдам беради;

— мусиқий асарлар ўқувчиларда турлича эмоционал хислар уйғотиб, турлича кайфиятлар ҳосил этиб, уларнинг онгида ўзига хос образлар яратадики, болалар асар мазмунини турли ҳаракатлар ва ишоралар билан ифодалашга ҳаракат қиладилар.

Демак мусиқага мос ҳаракатлар ўқувчиларнинг ақлий ва нафосат қобилиятини ривожлантириш билан биргаликда иродасини ҳам ривожлантиради. Мусиқий асарлардан марш, рақс ва ўйинлар ўқувчиларга тез таъсир этади, шунинг учун ҳам қувноқ рақс, қизиқарли мусиқали ўйинлар ҳар бир боланинг ёътиборини ўзига тортади.

Ритмика болаларда мусиқий ҳаракатларни, эстетик тарбияни оширишда катта рўл ўйнайди. Боғча ёшидаги болалар илк ёшдан бошлаб сакрайди, ўйнайди, лекин бу боланинг ритмик ҳаракатланди, дегани эмас. Бу даврда болалар мусиқа остида эмоционал ҳаракатланади, эшитиш қобилияти ўсади. Мусиқа остида ҳаракатланиб, тарбиячилар билан биргаликда кичик-кичик кўшиқлар ҳам куйланади.

Ҳаракат турлари учга бўлинади.

1. Асосий ҳаракатлар: юриш, югуриш, сакраш.

2. Гимнастик ҳаракатлар: предметлар билан, яъни лента, обрuch, байроқчалар ва копток билан.

3. Рақс ҳаракатлари: мусиқа остида ритмик ҳаракатлар хақида назарий билимга эга бўлиш мумкин.

Мақтабда ва боғчада ўтказиладиган ҳар бир эрталикини, турли тадбирларни мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Жумладан, мусиқали ритмик ҳаракатларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бунда бола ритми хис қилади, қоматлари чиройли бўлиб, тўғри юришни, мусиқа остида ҳаракат қилишни ўрганиб борадилар. Ҳозирги миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, ўзбекчилигимиз ўз ўрнини топаётган бир вақтда болаларга ўзбек миллий мусиқаси, кўшиқлари, ритм ҳаракатларини ўрганиш жуда муҳимдир.

Чаманда гул

(Ўзбек халқ куйи)

Катта гуруҳ учун



Бу рақсада тўртта ёки олтига қиз иштирок этади. Асосий ҳаракат сакрама, қўллар юқорида «Шамол» ҳаракати билан икки қатор бўлиб, икки томондан чиқадилар.

1–4-тактлар:

1-ҳаракат: икки томондан чиқишиб, доира ҳосил қиладилар. Қизлар навбатма-навбат ўтириб бир-бирларининг атрофларида айланадилар.

5–8-тактлар:

2-ҳаракат: қизлар доира бўлиб юриб, биринчи қаторга сафланадилар. Қизлар ўз жойларида туриб, 4 томонга, пастга қарсақ чалиб, сўнг қўлларини юқorigа кўтарадилар. Бу ҳаракатлар ўнг ва чап томонга бажарилади.

9–12- тактлар:

3- ҳаракат: 1,3,5-қизлар қўлларини «чироқча» қилиб, олдинга чиқа- дилар ва яна ўз жойларига қайтадилар. Бу ҳаракатлар 2,4,6- қизларда такрорланади.

1–4-тактлар:

4-ҳаракат: қизлар 3 кишидан бўлиб, қўл ушлашиб айланадилар. Қизлар доира бўйлаб юриб, бир қаторга сафланиб, салом бериб, чиқиб кетадилар.

**Ўргача тез**



(Ўзбек халқ куйи)

Катта ва тайёрлов гуруҳлари учун

Д  
Ў  
Л  
О  
Н  
Ч  
А



1- ҳолат: бош учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, бош ўнг ва чап томонга икки мартадан айлантиради.

2- ҳолат: елка учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар елкада. Аввал ўнг, сўнгра чап елка олдинга ва орқага тўрт марта айлантиради.

3- ҳолат: қўл учун.

4 марта «коптокни юқорига от» ҳаракати бажарилади. 4- ҳолат: бел учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, 1 деганда, олдинга э гиладилар, 2 деганда, дастлабки ҳолат, 3 деганда, орқага эгилиб, 4 деганда, дастлабки ҳолатга келадилар (4 марта).

5- ҳолат: тизза учун.

Ўнг қўл тирсаги чап оёқ тиззасига, чап қўл тирсаги, ўнг оёқ тиззаси теккизилади.

6- ҳолат: оёқ учун.

Қўллар белда, оёқлар жуфт ҳолатда икки марта сакраб, 3-4 ҳисобида ўнг ва чап оёқ бирин-кетин олдга ва орқага ҳаракатланади.

7- ҳолат: нафас учун.

Қўллар орқадан юқорига кўтарилиб, олдга тушурилади ва энгил нафас олинади.

### **Қашқарча**

(Ўзбек халқ куйи)

Тайёрлов гуруҳи учун

**Ўртача тез**



1- ҳолат: бош учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, бош ўнг, чап, юқори ва пастга қаратилади.

2- ҳолат: елка учун:

Оёқлар елка кенглигида, қўллар пастда, елкалар икки марта ўнг, икки марта чап томонга айлантрилади.

3- ҳолат: қўл учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар олдинда, юқорига, ўнгга бирин- кетин ҳаракатлантрилади, сонг дастлабки ҳолат.

4- ҳолат: бел учун.

Қўллар белда, оёқлар елка кенглигида, онг ва чап томонга икки мартадан эгиладилар.

5- ҳолат: тизза учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар тиззада, ярим эгилиш – ўнг ва чап томонга эгиладилар.

6- ҳолат: оёқ учун.

Қўллар белда, оёқларни навбат билан олдинга, ёнга, орқага узатиб, дастлабки ҳолатга келадилар.

7- ҳолат: нафас учун.

Қўллар ярим эгилган ҳолда, пастдан юқорига кўтарилади.

**Ўргача тез**                      **Олмани отдим**  
(Ўзбек халқ куйи)

Тайёрлов гуруҳи учун





1- ҳолат: бош учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар ёнга узатилиб, бош муком қилиб учирилади.

2- ҳолат: елка учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда елка учирилади. 3- ҳолат: қўл учун.

Қўллар навбатма-навбат пастдан юқорига кўтарилиб, сўнг пастга туширилади.

4- ҳолат: бел учун.

Оёқлар елка кенглида, қўллар белда, онг ва чап томонга белни икки марта айлантирилади.

5- ҳолат: тизза учун.

Қўллар пастдан «шамол қилиб», ўтириб турилади. (4 марта) 6- ҳолат: оёқ учун.

4 қадам олдинга, 4 қадам орқага юрилади.

7- ҳолат: ярим эгилиб, қўлларни аввал ўнг томонга силкитиб, кейин чап томонга силкитилади ва қомат ростланади (4 марта).

8- ҳолат: нафас учун.

Қўллар ёндан юқорига кўтарилиб, олдинга енгил ташланади.

**Асп бўламан**  
(Ўзбек халқ куйи)

Кичик гуруҳ учун

**Ўртача тез**



1- ҳолат: бош учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, ўнг томонга бир марта, чап томонга бир марта бошларини эгадилар.

2- ҳолат: елка учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар пастда, 2 марта ўнг елка ва чап елка бирин-кетин учурилади.

3- ҳолат: қўл учун.

Оёқлар жуфт ҳолатда, қўллар юқорига икки мартадан онг ва чап томонга «шамол» ҳаракатини бажарадилар.

4- ҳолат: бел учун.

Оёқлар жуфт ҳолатда, қўллар белда «пружина» машқи

бажарилади. 5- ҳолат: оёқлар жуфт ҳолатда, қўллар белда, оёқ учида 4 марта

сакрайдилар.

6- нафас учун.

Олдинга бир оз эгилиб, қўлларни пастдан юқорига кўтариб, туширадилар.


### Рақс ҳаракатлари схемасидан намуналар

**«Asp bo'laman»**


1. Davra bo'ylab yurib doira hosil qilish.

2. Qo'llarni ikki yonga uzatish.

3. Shox tashlash.



4. Bir-birlarining atroflarida aylanish.



5. Yelka uchirish, davra bo'ylab yurish.



6. Salom.



Т

2.0".1)R.aa ..... 1.IW...-bo.....

1 УМ.

И И И И И И С С С С



4. 8ир4ир\*1 W; а и оъри



ОЪ Ю''


р. ....Ъ.-црор\



5. Davra bo'ylab yurish va bir qatorda saflanib, bu yoqqa kel» harakatini bajarish.




6. O'z joyida aylanish va oldinga yurib kelish.



Ч ринг

I. ТочнотсДондан жу:фт бужиб 2.0"зпй.дл.,танМ.  
длқилб . И W -  
уфтанислЛ.

3. Bir-birlari bilan o'rin almashish.



И  
И  
И

И  
И  
И



*H H*

53

4. O'z joyidagi to'rt tomonga aylanish.



5. Davra bo'ylab yurish.



6. Bir-birlarining atrofida aylanish.




### «Bahor vals»

1. O'z joyida aylanish.




2. Qarama-qarshi tomonga yurib, ikki qatorga saflanish.




3. Daira hosil qilib yurish.



4. Davra markaziga chiqish.



5. O'z joyida aylanish.



6. Davra bo'ylab yurib, dastlabki holatga kelish.



*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Ритмика деб нимага айtilади?
2. Болалар боғчасида ритмик ҳаракатларни ўргатишда унинг қандай методлари бор?

## Болалар боғчасида муסיқа машғулотининг иш режаси

	Kirish	Tinglash	Ashula	Musi- qa asbobida chalish	Musiqa ostida harakat	Qiziqar- li oyin	Hisobot
O'rtta guruh	<p>1. Birin ketin yurush. Usulda kirish mumkin.</p> <p>a) musiqasiz kirish.</p> <p>b) musiqa jurligi ostida kirish.</p> <p>1. Yugurish. Yingil oyoq uchida yugurish. Sho'x musiqa ohangida.</p> <p>2. Musiqa ostida harakat: koptokni ing'itish oyoq uchida qo'llar harakatida doira hosil qilish. Kichik katta.</p>	<p>Bolalar ko'p harakat qilganligi sababli ularning charchog'ini mayin sokin musiqa orqali chiqaramiz. Ularni zerikib qolmasligi uchun sho'x musiqa qo'yib beriladi.</p>	<p>Ashulani mustahkamlash uchun zanjir tarzida ketma-ket aytiladi. Yangi ashulani qismlarga bo'lib o'rgatamiz. Ashula-ning so'zlarini yodlatamiz. Musiqani o'rgatib ularni tanishtiramiz va mustahkamlab boriladi.</p>	<p>Ashula musiqa asboblari bilan chalish boriladi. Dutor rubob doira akkordion shiqildoqlar cholib o'rgatib Ansambl tuzishimiz mumkin. Bolalar bu asboblarni ohangiga qarab biror bir uslubda chaladilar.</p>	<p>Biz bolalarga yakka bo'lib juft bo'lib raqs tushishni o'rgatib borishimiz kerak bo'ladi. Turki millat raqslari bilan xam tanishtirib o'rgatib boriladi. Har bir elementga so'zlar orqali jalb qilishimiz mumkin.</p>	<p>1. Agar ilgari bo'limlarda ko'p harakat qilingan bo'lsa, bolalar bilan qiziqarli o'yinlar o'ynashimiz mumkin. Masalan: oq terakmi ko'k terak. Kim oldiyo shug'ina niyo. Quyoning quyoning. Agar ko'p harakat bilan bolalar charchashgan bo'lsa unda tinch o'yinlar o'ynatiladi. Qiziqarli xalacha. Barcha didaktik o'yinlarda bolalarni idrok etishga, ogoh bo'lishga o'rgatiladi.</p>	<p>Guruh bolalari bilan musiqa mashg'ulotini o'tkazilishi yaxshi natijalarga erishildi. Ayrim bolalargina passiv qatnashdi. Ulardan bitta guruhcha tuzub ular bilan guruhlarda alohida shug'ullaniladi. Berilgan bilimlar mustahkamlanadi. Mashg'ulotlarda mashg'ulotlar da yaxshi va faol qatnashish maqsad qilib olinadi.</p>

## **Болалар боғчасида муסיқа машғулотининг иш режаси**

Болаларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида МТМ да машғулотлар махсус режа асосида ўтказилади.

Болалар боғчасида эшитишга, катталарнинг ишларини кузатишга уларнинг сўзлари ва ҳаракатларига тақлид қилишда, берган топшириқларини бажаришга ўргатиб борилади. Болалар боғчасида ҳафтада 2 маротаба муסיқа машғулоти ва 1 маротаба кўнгил очар ўйинлар ўтказилади.

— муסיқани тинглай билиш, ривожлантириш, унга нисбатан қизиқишни ўстириш;

— муסיқий товушларнинг қарама-қарши хусусиятларини ажрата олиш баланд ва паст регистрлар;

— қўшиқни хиргойи қилиш ва қўшиқ куйлашга қизиқишни уйғотиш;

— мазмунли ўйинлар ва машқлар ва рақсларда муסיқа билан ҳаракатни бир-бирига мослаб боғлай билишни ривожлантириш;

— содда ҳаракатларни ҳамкорликда бажаришга ўргатиш.

МТМ да муסיқий тарбия юзасидан махсус машғулотлар ўтказиш режалаштирилади. Муסיқа машғулотлари болаларнинг муסיқий қобилиятлари ривожланишида катта рол ўйнайди.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Муסיқа машғулотларининг иш режасини тартиб билан кўрсатиб беринг ?

2. Муסיқа машғулотининг иш режаси болалар ҳаётида қандай роли бор?

3. Болалар ижодида муסיқа фаолиятининг вазифаси қандай?

### **Ашула айтганда нафас олиш ва нафас чиқариш усуллари**

Маълумки, инсон нафас олиш аъзоси — ўпка орқали нафас олади, овоз ҳосил қилувчи аъзолар ёрдамида овоз чиқаради, артикуляция аппарати орқали гапиради ва куйлайди. Демак, қўшиқ ижрочилигининг асосини нафас ташкил қилади. Шунинг учун тўғри нафас олиш ва

нафас чиқариш усуллари товушларни ҳосил қилиш техникасининг энг муҳим элементларидан ҳисобланади. У овоз шаклланиши жараёнида асосий вазифани ўтайди. Куйлаётгандаги нафас олиш оддий нафас олишдан фарк қилади. Куйлаётганда нафас тез олиниб, секин чиқарилади.

Нафас олиш уч турга бўлинади:

- Юқори кўкрак (кифт) дан нафас кўкракнинг юқори қисмига олиниб, кифтлар кўтарилади. Нафаснинг бу тури зарарлидир. Ашула айтаётганда бу нафас қўлланилмайди.

- Кўкрак – корин (ўрта қовурға, биқин).

- Аралаш (пастки қовурға-диафрагма).

Нафас оғиз ва бурундан бир вақтда олинади. Кўшиқ куйлашда ўқувчиларга нафас олишни ўрганиш вақтида қўлларини биқинига қўйган ҳолда нафас олишни кузатиш учун қўлларни қовурғалар бўйлаб пастга, ён томонга юрута бериш ва бунда корин бўшлиқларининг олдинроққа чиқишни ҳамда қовурғаларни ён томонлама кенгайишини кузатиш яхши натижа беради. Уларга нафас олишни дирижёрлик қўл ишораси билан олиб, бир текисда, шошмасдан чиқаришни ўргатиш керак.

**Товуш ҳосил қилиш** енгил ва эркин нафас олиб, аппаратни эркин ишлатиш йўли билан тиниқ ва жарангдор овоз ҳосил қилиш демакдир. Бунда боғча ёшидаги болалар овозининг заифлиги ва тез толиқишини ҳисобга олиш шарт. Уларда хонандалик малакалари ҳали етарли даражада шаклланмаганлиги сабабли, кўпроқ нутқ постановкасида куйлайдилар. Шунинг учун болалар куйчан овозда куйлашни яхши билмайдилар. Оҳангдор, чўзиб, куйчан овоз билан куйлаш узоқ машқ жараёнида шаклланиб боради. Куйчан овоз билан куйлаш юқори гуруҳ болаларида бир мунча яхши шаклланади.

**Нафас олиш.** Ашула айтишда тоғри нафас олишнинг аҳамияти катта. Нафас қанча енгил олиниб, бир текисда ишлатилса, овоз ҳам шунча эркин ва тиниқ, жарангдор чиқади. Аммо нафас олиш устида болалар билан махсус шуғулланиш тавсия этилмайди. У билан кўпроқ эрталабки гимнастика пайтида шуғулланиш мумкин. Боғча ёшидаги болаларнинг нафаси енгил, юзаки ва қисқа бўлади. Шунинг

учун улар овозни куйчан чўзиб куйлашда қийналадилар ва кўпинча сўзни бўлиб, унинг ўртасида нафас оладилар. Боғча болаларининг «ашулачилик» нафаси асосан ашула айтиш

жараёнида мустаҳкамланади. Бунинг учун тарбиячи болаларнинг ашула айтиш пайтидаги нафас олишларини қуйидагича назорат қилиб бориши керак: нафасни ашула айтиш олдида ва кўшиқ жумлаларининг охирида ҳамда унинг бўлаклари орасида олишга ундаш; сўзни бўлиб, унинг орасида нафас олмасликни; олинган нафасни жумланинг охиригача бир маромда етказишни; ашула айтганда меъёрдан ортиқ нафас олмасликни; елкани кўтармасдан енгил, шовқинсиз, тиник нафас олишни ва хоказолар.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Ашула айтишда қандай нафас олинади ва нафас чиқарилади?


2. Нафас олиш ва нафас чиқаришнинг инсон организмидаги ўрни ва аҳамияти қандай?

### **Болалар боғчасида мусиқий таълим-тарбия беришда тарбиячининг ўрни**

Мактабгача таълим ёшдаги болаларни маънавий маданиятли этиб тарбиялашда, таълим масканларида ўтказиладиган мусиқа машғулотлари ва байрам эрталикларининг гўзаллик қонуниятлари асосида баркамол шахсни шакллантириш вазифаларини амалга ошириш учун мусиқа тарбиячининг ўрни бекиёсдир. МТМ да ҳар бир тарбиячи мусиқавий қобилиятга эга бўлиши ва тарбиячилик вазифасини бажаришда ўз ўрнини топа олиш керак. Тарбиячи ўз ишига ижодий ёндашиб, ҳар бир машғулотда, байрам эрталикларида ва юртимизнинг буюк сиймолари билан таништириш машғулотларини ишлаб чиқишлари мумкин. Тарбиячи болаларга фақат билим берибгина қолмасдан, балки уларни янги ажойиб дунё – мусиқа оламига олиб киради, санъатга қизиқтиради, уни севишга ўргатади. Яхши ташкил этилган мусиқий тарбия жараёни болаларни баркамол инсон бўлиб улғайишларига кўмаклашади.

Тарбиячининг ўзига талабчанлиги ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиб бора олиши давлатимиз МТМ лари олдига қуйидаги талабларни қўяди.

МТМ да олиб бориладиган барча тарбиявий ишлар олийжаноб фазилатларни ёш авлодда боғча ёшидан бошлаб шакллантиришга қаратилган.



Болалар боғчаларида амалга оширалаётган тарбиянинг муҳим қисми эстетик тарбиядир. Муסיқавий тарбия эса эстетик тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Муסיқа машғулотлари жараёнида бола ҳаётий воқеликни муסיқавий образлар орқали идрок этиб боради. Болалар ёшига мос муסיқа асарлари кичкинтойларда унутилмас таассурот қолдиради, уларнинг руҳий дунёсини бойитади. Боғча шароитидаги муסיқавий тарбия бадий адабиёт ва тасвирий санъат билан узвий боғланган ҳолда амалга

оширилади. Ашула айтиш, турли жанрдаги мусиқа асарлари, хусусан, сужетли чолғу песаларини тинглаш, мусиқавий ўйинлар билан шуғилланиш ва рақсга тушиш жараёнида мусиқа машғулоти кўпинча бадиий сўз билан боғланади. Боланинг бадиий образларни ёрқин тасаввур этиши ва чуқур идрок қила олиши учун тасвирий санъат асарларидан ҳам унумли фойдаланилади. Айниқса, айрим сужетли мусиқа асарларини тинглашдан ёки куйланадиган кўшиқ

мазмунидан болалар онгида ҳосил бўладиган тасаввурларни янада бойитиш ва конкретлаштириш мақсадида асар сужетига хос бадиий суратлардан фойдаланилса ҳам яхши натижа беради. Турли методлардан фойдаланиб ўтказилган ҳар бир мусиқа машғулоти кичкинтойларда бадиий, эстетик завқ уйғотади. Уларнинг ҳис-ғуйғуларини ривожлантиради. Ижодий фикри ва нутқини ўстиради. Бундан ташқари, мусиқавий ўйин ва постановкалар, рақслар болаларда ритм туйғуси, чакконлик ва ҳаракатчанлик малакаларини ривожлантиради ҳамда қоматнинг тоғри ўсишига ёрдам беради.

Боғчада амалга ошириладиган конкрет машғулотлар, масалан, ҳисоб машғулоти жараёнида болаларнинг кўпроқ абстракт фикрлаш қобилияти ва мантиқий хотира кучи ўсиб борса, санъат машғулоти жараёнида эса уларнинг образли фикрлаши ва образли хотираси яхши ривожланади. Бу ҳар иккала психологик хусусиятнинг параллел ривожланиши боланинг ақлий ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. МТМ да таълим-тарбия беришда тарбиянинг мусиқий фаолияти қандай?

2. Тарбиявий мусиқа қўлланганда кўпроқ қайси тарбияга эътибор бериш керак?

**Оилада ва МТМ даги болаларнинг кўшиқ айтиш услуби**



Ашула айтиш мусиқа машғулотларининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Ашула айтиш мусиқа билан шуғулланишда ўзининг енгил ва осон амалга оширилиши туфайли болалар диққатини тез жалб қилади. Энг муҳими шундаки, бола ўртоклари билан бирга ашула айтганда, ўз шахсий ижросини назорат қилиб боради, ён-веригаги болалар билан ўзининг овозини солиштириб кўради. Бу эса, биринчидан, болада мусиқавий қобилиятларнинг ҳар томонлама ривожланишига катта имконият яратади, иккинчидан, болада ўз-ўзидан ижодий интилиш кучаяди, учинчидан, ашула айтиш жараёнида боланинг фикри, нутки, идроки ўсади, овоз ва нафас аппаратлари яхши ривожланади.

Болалар ҳаётида мусиқа катта аҳамиятга эга. Чунки мусиқа болалар онгида катта таассурот қолдиради. Мусиқа болаларда эстетик тарбияни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга, шунга кўра, бола онгидаги эзгу фазилятларни ривожланишида мусиқий тарбиянинг ўрни алоҳида.

Оилада ва МТМ да болаларни қўшиқ айтишдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Болаларни соф товушда қуйлашга ўргатиш ҳамда аниқ, равон қуйлашни талаб этиш.
2. Қўшиқ қуйлаш жараёнида болаларда мусиқавий қобилиятни ва сўз бойлигини орттириш.
3. Тарбиячи ёрдамида болалар қўшиқни қуйлаши ҳамда яққа холда, мусиқа асбобларисиз ҳам қуйлашга ўрагатиш.

## Тест

1. МТМ ларда олиб бориладиган тарбиявий ишлар қаердан бошланади?

- а) Уйдан.
- б) Боғчадан.
- с) Мактабдан.

2. Мусиқавий товушлар ва уларнинг хусусияти.

- а) Мусиқали ва шовқинли.

- b) Шовқинли, муסיқали, товушли.  
c) Товушли, муסיқали, шовқинли.
- 3.** Регистрлар неча турдан иборат?  
a) Йўғон, орта, ингичка.  
b) Пастки, ўрта, ингичка.  
c) Пастки, ўрта, юкори.
- 4.** Нота чизиғи неча чизикдан иборат?  
a) 7 та.  
b) 5 та.  
c) 6 та.
- 5.** Қандай интерваллар бор?  
a) Гармоник ва мелодик.  
b) Прима, секунда.  
c) Кварта, квинта.
- 6.** Нечта товушлар оралиғига аккорд дейилади.  
a) 6 та.  
b) 8 та.  
c) 7 та.
- 7.** Муסיқа саводининг аҳамияти.  
a) Нутқи.  
b) Қобилияти.  
c) Талаффуз.
- 8.** Муסיканинг улкан манбайи нима?  
a) Тафаккур.  
b) Ирода.  
c) Хотира.
- 9.** Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг муסיқасини ва сўзини кимлар ёзган?  
a) Ш.Ёрматов ва А.Орипов.  
b) М.Бурҳонов ва А.Орипов.  
c) П.Мўмин ва А.Орипов.
- 10.** Муסיқа машғулотининг асосий элементи.  
a) Рақс.  
b) Тинглаш.  
c) Ашула.
- 11.** 6 ва 7 ёшли болалар овоз диапазони оралиғи.  
a) Ре-си.

b) Ре-до-ре иккинчи октава.

c) Ми-ре иккинчи октава.

**12.** Диксиянинг аниқлиги нимада?

a) Нутқда.

b) Талаффузда.

c) Товушда.

**13.** Мусиқа маданиятининг элементи.

a) Ашула айтиб, тафаккур қилиш.

b) Рақсга тушуб, идрок этиш.

c) Мусиқа тинглаб, идрок қилиш.

**14.** Мусиқа иш режасида мусиқа тинглаш бўлими нечанчи ўринда туради?

- a) 5.
  - b) 2.
  - c) 6.
- 15.** Илк бор мусиқа тинглашда тарбияловчининг роли.
- a) Қисқа ва қизикарли тушунтириш.
  - b) Мусиқа тинглатиш ва қисқа тушунтириш.
  - c) Тушунтириш ва мусиқа тинглаш.
- 16.** Мусиқа тинглаш М.Т.М. ларда қайси гуруҳлардан бошланади.
- a) Катта, кичик, ўрта.
  - b) Ўрта, тайёр, кичик, катта.
  - c) Кичик, катта, ўрта, тайёр.
- 17.** Интервал оралиғи нечта тондан иборат?
- a) 7 т.
  - b) 6 т.
  - c) 8 т.
- 18.** Рубоб мусиқа асбобида нечта тор бор?
- a) 5.
  - b) 7.
  - c) 3.
- 19.** Мусиқани ким чалади?
- a) Хонанда.
  - b) Созанда.
  - c) Раққоса.
- 20.** Мусиқа машғулоти ўтказишда асосий мусиқа асбоби қайси?
- a) Рубоб.
  - b) Дутор.
  - c) Фортепиано.
- 21.** МТМ ларда ўтказиладиган мусиқа машғулоти ҳафтада неча марта ўтказилади?
- a) 3.
  - b) 5.
  - c) 2.
- 22.** Дутор мусиқа асбоби нечта тордан иборат?
- a) 7.
  - b) 3.

с) 2.

### **Муסיқа машғулотининг шаклланиш турлари**

Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясидса муסיкий тарбия алоҳида аҳамият касб этиб, мунтазам равишда олиб бориладиган тарбия жараёнининг бир қисмини ташкил этади. Мазкур қўлланма мактабгача таълим мусассаларида муסיкий тарбияни амалга ошириш дастурида белгиланган эрталик ва байрамларни нишонлашга қаратилган тадбир ва байрамларни ташкил қилиш жараёнига қаратилган.

Муסיқа, айниқса, миллий муסיқа, бола тарбиясига бениҳоя катта таъсир кўрсатиб, уларда юқори даражадаги бадиий, эстетик завқ ва дидни шакллантиради, гўзалликни муסיқа орқали идрок этишда етакчи рол ўйнайди. Болалар боғчасида муסיкий тарбия қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

- муסיқа тинглаш;
- вокал ижрочилик;
- миллий муסיқа асбоблари билан таништириш;
- бастакор ҳаёти ва ижоди билан таништириш;
- муסיқа турлари билан таништириш;
- ритмик ҳаракат ва рақс асослари билан таништириш;
- болаларда ижобий қобилиятларни аниқлаш ва ривожлантириш;
- муסיқа воситалари орқали болалар тарбиясини тобора шакллантириш;

Муסיқа раҳбарлари ушбу вазифаларни амалга оширар эканлар, ўз иш тажрибаларида турли фаолият шаклларида кенг фойдаланадилар;

- Муסיқа машғулотлари (вазифа ва мақсадига қараб, турли мавзу ва йўналишда бўлади);
- байрам эрталиклари;
- кўнгил очар муסיкий ўйинлар;
- нафосат соатлари;
- бадиий ва адабий муסיкий композициялар;
- муסיкий театр драматизациялари;
- якка ҳол иш турлари;

— тўғарак ишлари;

Байрам эрталикларига тайёргарлик кўрилар экан, авваламбор бу ҳамманинг байрами эканлиги, болалар хотирасуда унутилмас из қолдирилиши, уларга завқ, хурсандчилик олиб келишини назарда

тутиш зарур. Бу жараёнда барча тенг қатнашиши лозим. Масалан, педагогик жамоа, ота-оналар ва маҳалла аҳли. Мактабгача таълим муассасасида ташкил қилинган байрам эрталиклари умумхалқ байрамларининг бир парчаси бўлмоғи зарур.

### Болалар боғчасида мусиқа ва ўйинлар

Боланинг ақлий, эстетик ва жисмоний ривожиди рақс, мусикали ўйин ва мусиқа билан ҳаракат катта аҳамиятга эга. Мусиқа фаолиятининг бу турлари боланинг ҳар томонлама ўсишига катта ёрдам беради. **Биринчидан**, унинг мусиқа укуви, айниқса, ритм туйғуси ва мусиқа хотираси яхши ривожланади, чунки ҳар қандай ҳаракат тури мусиқа ритми ва тактлари остида бажарилади ҳамда ҳаракат билан боғлиқ бўлган мусиқа оҳанглари бола хотирасида турғун сақланади. **Иккинчидан**, юқорида айтганимиздек, рақс ва мусикали ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик, чакқонликни ривожлантириб, баданни чиниқтиради, қоматнинг тўғри ўсишига ёрдам беради. **Учинчидан**, мусиқа асарлари болада турлича эмоционал ҳислар уйғотади. Турлича кайфиятлар ҳосил қилиб, унинг онгида ўзига хос образлар яратадики, булар болага ҳаракат схемаларини бадиий ишоралар билан ифодалашга ёрдам беради. Демак, мусиқа билан ҳаракат боланинг ақлий ва эстетик қобилиятини ҳамда иродасини ривожлантиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, марш мусикалари болага ғайрат ва тетиклик бағишлайди. Марш мусикаларисиз байрам эрталиклари, ҳатто боғчанинг оддий бир кунлик ҳаётини ҳам тассавур қилиш қийин. Рақс куйлари эса болада ажойиб ички ҳис-туйғулар, кечинмалар ҳосил этиб, беихтиёр рақсга тушишга ундайди ва уни беҳад

завқлантиради. Муסיқа машғулотларида бажариладиган ҳаракатларни, яъни асосан икки турга бўлиш мумкин.

1) ракс ва хороводлар. **Муסיқали ўйинлар:** ўйин боғча ёшидаги болалар ижодий фаолиятининг энг фаол шаклидир. Ўйинларга мўлжалланган муסיқа асарларининг бадий мазмуни, характери ва ифода воситалари ўйиннинг сужетига мос тушиши шарт. Ўйиннинг сужети эса боғча ҳаётидан олинган бўлиши лозим. Унда боланинг ижтимоий ҳаёт ва табиат билан муносабати ўз аксини топиши керак. Айниқса халқ болалар ўйинлари катта аҳамиятга эга.

Боғчадаги муסיқали тарбия методикасида муסיқали ўйиннинг асосан икки тури тавсия этилади: 1) чолғу муסיқа садолари остида ўйнаш;

2) ашула айтиб ўйнаш.

Ўз навбатида чолғу муисқали ўйин сужетли ва сужециз ўйинларга бўлинади. Сужетли ойинда аниқ воқеа тасвир этилиб, сужециз ўйинда эса турли ҳаракат намуналари воситасида муסיқа асарининг характери ва бадий шакли тасвир этилади.

Ашула айтиб ўйнаш кўпроқ хороводлар ва инсенуровкалар билан боғлиқ. Улар ўйиннинг мазмунига қараб тузилади. Баъзи ўйинларда бир бола ўйин бошлаб, бошқалари унга эргашса, бошқасида эса, гуруҳ иккига бўлиниши ёки жуфт бўлиб ўйинга тушилиши мумкин. Ўйинни давра тузиб, икки гуруҳга бўлиниб, ижро этиш каби турли шаклларда ўтказиш тавсия қилинади.

Муסיқа маданияти дарсларида бажариладиган ўйинлар асосан икки турга бўлинади:

1. Қўшиқнинг мазмунига мос муסיқали ритмик ўйинлар.

2. Рақслар.

Шундай қилиб, муסיқий ўйинлар ўз мақсад ва вазифаларига кўра, дидактик ўйинларга мансуб бўлиб, асосан ритмик ҳаракат воситасида ижро этилиши билан ифодаланади.

## Мусиқа остида жисмоний тарбиянинг аҳамияти

Жисмоний тарбия – соғлом авлод, соғлом оила, соғлом жамият учун болалиқдан қилинадиган амалий ҳаракатдир. Жисмоний мусиқий ҳаракат, ўйинлар, спорт билан шуғулланиш ирода, чидам, интизом туйғуларини шакллантиради. Бола ўз куч-қуввати, соғломлиги, қадди-қоматининг ихчамлиги, нафас ҳаракатларининг тоғрилигини сезиб туради ва бу билан фахрланади. Бу сифатлар сезилмаган ҳолда дидни тарбиялай боради, болани гўзаллик дунёсига етаклайди. Спортчининг ҳар томонлама уйғун ривожланган қадди-қомати ҳақиқатдан ҳам гўзалдир. Жисмоний тарбия аслида мусиқа тарбияси билан узвий боғлиқдир.

Болаларнинг жисмоний ривожланиши ва такомиллашувининг воситаларидан бири ҳисобланади. Ўз имкони даражасидаги ҳузур бағишловчи мусиқа болада инсоний кадриятлар тушунчасини ўстиради. Масалан, ота-

онаси ёнида иш ўрганиб, уларга ёрдам бераётган болакай ва кизалоқнинг ўз ҳаракатидан нечоғлик мамнун бўлаётганига эътибор берганмисиз? Ҳа, ҳузурбахш мусиқа болага инсоний оламни тушунтира боради. Бундай мусиқани оғир, толиқтирувчи, нафрат уйғотувчи мусиқадан фарқлаш лозим.

Жамиятимиз болаларининг соғлом, бақувват, меҳнацевар ёки нимжон, чидамсиз, оғирроқ ишга ярамайдиган бўлиб ўсишларига бефарқ бўла олмайди. Мана шунинг учун ҳам болалар тарбияси фақат ота-оналарнинг шахсий иши, вазифаси эмас, балки аввало, бу уларнинг жамият олдидаги бурчидир. Ота-оналар болаларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишлари учун жавобгардирлар. Улар болаларга ҳаракат – узоқ яшаш, жисмоний тарбия ва спорт, мусиқа эса соғлиқ, чиникиш манбайи эканлигини бола онгига сингдиришлари керак.

### **Илмий машқлар:**

Тонги бадан тарбияни ўтказиш вақтида болаларда ҳаракатланувчи малакалар мустаҳкамланади, яхшиланади ва тикланади.

Югуриш, сакраш, гимнастик ҳаракатлар оддий ва тезлик



билан бажарилади. Тонги бадан тарбия машғулотларида шундай машқлар бажарилади. (Унда кўлларимизни тепага кўтарган ҳолда, тепага, ёнга, тўғрига букилади). Шундай машқлар борки, бу машқларни олдиндан ўрганиб олиш керак (тўлиқ ўтириш, сакраш, буюм билан, байроқчалар, чўп билан машқ) бундай машғулотларни кундалик режага киритиш шарт.

### **Тарбиявий машқлар:**

Тонги бадан тарбия ёрдамида биз болаларни тартибли бўлишга чақирамиз. Уларда ижобий кўникмалар ҳосил бўлади. Тонги бадан тарбия хотирани мустаҳкамлайди. Диққат билан тинглаш, текшириш ва якка ҳолда машқларни бажариш, тонги бадан тарбия эстетик тарбияни ҳам мустаҳкамлайди.

## **«Ўрмонга саёҳат»**

**Мақсад:** Болаларни мусика остида юриш, югуриш, оёқлар ёнида, товонда юришни давом эттириш, мусикага мослаб т з, с кин юришни машқ қилдириш.

Гавда, кўл, оёқ ва умумгавда мускулларини ривожлантириш. Мувозанат сақлаб юришни ўргатишда давом тиш, баландликдан

сакрашни, эмаклашни, узунликка сакрашни мустаҳкамлаш, баланд- паст тўнкачаларга чиқб-тушишни ўргатиш.

Жисмоний сифатлар чаққонлик, т зкорлик, эгилувчанлик кабиларни шакллантириш.

Ўн орқай мусика ритмлари ҳаракатларни тушуниш орқали болаларда с згирлик, ҳозиржавоблик ва зийраклик сифатларни ривожлантириш.

Болаларни табиат ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

### **К ракли жиҳозлар:**

Гимнастика скам йкаси, баланд-паст тўнкачалар, 20 см баландликдаги тўсиқ, ярим доира ҳалқалар, гимнастик ҳалқалар, «айиқ», «куён», «бўғирсоқ» атрибутлари, дарахт атрибутлари албатта магнитофон ва мусика асбоблари.

**Машғулотнинг бориши:**

Кириш қисми:

**Тарбиячи:** Болалар ҳозир қандай фасл?

**Болалар:** Баҳор фасли.

**Тарбиячи:** Баҳорда об-ҳаво қандай бўлади?

**Болалар:** Баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади, т з-т з ёмғир ёғади, шамол эсиб туради.

**Тарбиячи:** Болалар, дарахтларда қандай ўзгаришлар бўлади?

**Болалар:** Дарахт новдаларидаги куртаклар бўртиб, ўрик ва бодом дарахтлари биринчи бўлиб гуллайди.

**Тарбиячи:** Ҳозир сизлар билан баҳор к лганлиги муносабати билан ўрмонга саёҳат қиламиз. Қўшиқ айтиб яйраймиз.

**Тарбиячи:**

Юринг сайрга болалар,

Чиқайлик-чи отланиб.

Қаторлашиб ҳаммамиз

Хўш, нимада борамиз?

**Болалар:** Пиёда.

**Тарбиячи:** К тдик

болалар. Болалар залга

кириб к ладилар.

**Тарбиячи:** Болалар бугун сизлар билан биргаликда қизикарли саёҳат уюштирамиз.

Энг яхшиси дунёда,

Сайр қилмоқ по здда.

Қаторлашиб, шодланиб,

Хўш, нимада борамиз?

**Болалар:** По здда.

**Тарбиячи:** Болалар м н паровоз бўламан, сизлар вагончалар бўласизлар. Болалар к тма-к т туриб оладилар. Олдинма-к тин турган болалар бир-бирларининг тирсақларини ушлаб оладилар. К тдик «Пууп- пууп-пууп». По здимиз с кин кўзғалиб, сўнг т злашади, к йин с

кинлашиб тўхтади.

Болалар по зд бўлиб, зални айланиб чиқадилар.

**Тарбиячи:** Болалар, мана кўм-кўк майсазорга й тиб к лдик. Вагончалардан тушиб майсазор бўйлаб югурамиз, оёқ учида юрамиз, товонда юрамиз, оёқ ёнида юрамиз.

Болалар, энди майсазорда гимнастик машқларни бажариб оламиз.

### **1-ҳаракат.**

*Дастлабки ҳолат:* гавдамиз тўғри ҳолатда, оёқлар й лка к нглигида очик, қўллар ёнда.

1-қўллар олдинга узатилади. 2-т пага кўтарилади.

3-ёнга узатилади.

4-пастга

туширилади.

Ҳаракат 4-5 марта такрорланади.

### **2-ҳаракат.**

*Дастлабки ҳолат:* Гавдамиз тўғри ҳолатда, оёқлар й лка к нглигида очик, қўллар б лда.

1-ўнг томонга энгашамиз.

2-дастлабки ҳолат.

3-чап томонга энгашамиз.

4-дастлабки ҳолат.

### **3-ҳаракат.**

*Дастлабки ҳолат:* Гавда тўғри ҳолатда, оёқлар й лка к нглигида очик, қўллар б лда.

1-қўлларни олдинга чўзиб

ўтирамиз. 2-турамиз, дастлабки ҳолат.

Ҳаракат 5 марта такрорланади.

### **4-ҳаракат.**

*Дастлабки ҳолат:* Полга қорин билан ётилади, икки қўл билан даҳанимизни ушлаб, бошни ўнгга, чапга бурамиз. Оёқларимизни орқага букиб, к тма-к т ҳаракатга к лтирамиз.

Ҳаракат 5 марта такрорланади.

**Тарбиячи:** Баракалла болалар, энди ҳаммамиз яна

йўлимизда давом этамиз.

Болалар зал бўйлаб юриб к тадилар.

**Тарбиячи:** Болалар йўлимизда тор ва узун кўприкка дуч к либ қолдик. К линглар, кўприкдан мувозанат сақлаб ўтиб оламиз. Мана кўприкдан ҳам ўтиб олдик. Яна йўлимизда давом этамиз. Болалар яна тўсикқа дуч к либ қолдик. Бу тўсикдан эҳтиёткорлик билан оёқларимизни жуфтлаб туриб сакраб ўтиб оламиз. Баракалла болалар.

**Тарбиячи:** Мана, болалар, биз ўрмонга ҳам й тиб к лдик.

Ўрмонда қандай ҳайвонлар яшайди?

**Болалар:** (жавоб берадилар).

**Тарбиячи:** Болалар, тўғри айтдингиз, ўрмонда тулки, куён, айиқ полвон ҳам яшайди.

Болалар, к линглар ҳозир биз ўрмон ҳайвонларига бўлиниб оламиз.

Ким қайси ўрмон ҳайвони бўлишни истайди?

Болалар тулки, куён, айиқ полвон бўлиб, атрибутларини кийиб оладилар. **Тарбиячи:** Ҳамма ўз ҳайвони рақсини бажариб б риш ва ўрмон ҳайвонлари, бугун сизлар ярим доира ҳалқа тагидан эмаклаб ўтишни, қатор қўйилган ҳалқалар ўртасига сакрашни бажарасизлар ҳамда мана

бу тўнкалар устига чиқиб тушишни ўрганасизлар.

Тарбиячи ўзи кўрсатиб б риб, тушунтиради.

**Тарбиячи:** Болалар, энди уч қаторга бўлиниб оламиз.

1-қатор – «Айиқ полвон»лар, ярим доира ҳалқа тагидан эмаклаб ўтасизлар.

2-қатор – «Куёнча»лар, қатор қўйилган ҳалқалар ўртасига икки оёқлаб сакраш машқини бажарасизлар.

3-қатор – «Тулки»лар, сизлар мана бу баланд-паст тўнкачаларга к тма-к т чиқиб, тушишни ўрганасизлар.

Болалар ҳаракатларни бажариб бўлганларидан сўнг, ўринларини алмашадилар.

**Тарбиячи:** Болалар, баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлишини билиб олгансизлар. Қуёш чиқиб турганда бирдан булут чиқиб, ёмғир ёғиб юборади. Ҳозир осмонда булутлар пайдо бўлиб қолди.

«Ёмғир» д сам, т з дарахтлар панасига б ркинасизлар.  
«Қуёш» д сам, дарахтлар панасидан чиқиб ўйнаб юрасизлар.

**Тарбиячи:** Болалар, «ёмғир», болалар дарахт орқасига б ркинадилар.

«Қуёш» болалар яширинган жойларидан чиқиб ўйнаб юрадилар.

**Тарбиячи:** Болалар қўлимдаги қайси эртак қахрамони, танияпсизларми?

**Болалар:** (жавоб берадилар).

**Тарбиячи:** Болалар, ҳозир сизлар билан «Бўғирсоқ» ўйинини ўйнаймиз.

Мусика садоси остида «Бўғирсоқ»ни қўлма-қўл қилиб бир- биримизга узатамиз. Мусика тўхтаганда «бўғирсоқ» кимни қўлида қолса шу бола ш ър ёки қўшиқ айтиб, ўйнаб б ради.

Ўйин 4-5 марта такрорланади.

**Тарбиячи:** Болалар, ўрмонга саёҳат қилиб, маза қилиб ўйнадик. Энди яна по здимизга чиқиб, уйимизга қайтамиз. К тдик, болалар,  
«Пууп-Пууп-Пууп».

Болалар к тма-к т юриб, залдан чиқиб к тадилар.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Машғулотнинг шаклланиши турлари қандай?
2. Болалар боғчасида қандай мусиқавий ўйин турларидан фойдаланилади?
3. Мусика остида ўтиладиган жисмоний тарбиянинг қандай турларини биласиз?

### **Анъанавий қўшиқ ижрочилиги**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳамма соҳаларда ривожланиш сари янги ва салмоқли ишлар амалга оширила бошланди.

Мусика меросимизнинг узоқ ўтмишини янада чуқурроқ ўрганиш соҳасида самарали ишлар қилинади.

Мусика санъатимиз тарихини, унинг буюк намояндалари тарихини ҳар томонлама ўрганиш ва халқимизга

етказишга кенг имкониятлар очилди.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «куллик ва мутъелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, отабоболаримизнинг удумларини тиклаш, уларга муносиб ворис боълишдан шарафлироқ вазифа йўқ бу

дунёда», деган сўзларига асосланиб, мусиқий тарихимиз, унинг устазода ижрочи ҳофизлари ва улар қолдириб кетган ўлмас меросни тиклаб, уни ривожлантириш, давом эттириш вақти келди.

Мусиқий меросимизни нотага ёзиб олиш мумкин бўлгани каби, унинг сержило, жонли ижросини магнит тасмаларига ёзиб олиш ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, сақлаш биз учун катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон радиоси фонотекасининг олтин фондидан мустаҳкам ўрин олган ўзбек мумтоз ашулалари, бастакорлар ижросидаги ашулалар магнит тасмасига абадий муҳрланган.

Уларни ижро этган турли авлодга мансуб ҳофизларнинг номларини айтиб ўтишни топдик: Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Юнус Ражабий, Жўраҳон Султонов, Отажон Худойшукуров кабилар. Ана шу устоз ҳофизлар ижро этган мусиқий ёзувлардан ёш ашулачи талабалар ўқув жараёнида унумли фойдаланишлари мумкин.

### **Ўзбек бастакорлик санъати. Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижоди (1897–1976)**

Ўзбек халқ мусиқий меросини миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида ўрганиш ҳозирги даврда долзарб масалардан биридир. Ўзбек мусиқий меросимизга назар ташлар эканмиз, ўтмишдан халқ ичидан етишиб чиққан ва ўзларининг ижро маҳоратлари, мураббийликлари билан халқ дилидан жой олган санъаткорларимиз кўз ўнгимизда гавдаланадилар. Улар ичида мусиқа санъатимизнинг биринчи академиги Юнус Ражабийнинг алоҳида ўринлари бор. У киши яшаган давр

ижодининг такрорланмас қирралари мавжудки, уларнинг меросини ўрганиш келгусида яратилажак чолғучилик маҳоратини ривожлантиришда ижобий босқич бўлиб хизмат қилади.

Юнус Ражабий созандалик, хонандалик ва бастакорлик санъатини бунёдкорларидан бўлиб, маърифий ва таълимий фаолият бобида машҳурдир. Миллий мумтоз мусиқа санъатининг йирик намояндаси, чолғучи устозларнинг йўлбошчиси, таникли бастакор Юнус Ражабийнинг ижодий педагогик қарашлари ва чолғучилик фаолиятига

катта аҳамият беришимиз керак.

Юнус Ражабий 1897-йили Тошкентда туғилган. У даставвал эски усул мактабида ўқийди. Эски мактабда ўқиган пайтларда мусиқага хавас уйғона бошлаган. Ўзлари най чалганлар, яхшигина дутор ҳам чертган. 1916-йилда машҳур созанда ва хонанда Шораҳим Шоумаров билан танишади. Бу танишув унинг чолғучилик ва бастакорлик фаолиятида муҳим босқич бўлиб қолади. 1919-йил Тошкентда очилган халқ консерваториясининг миллий чолғу асбоблари бўлимига ўқишга киради ва шу тариқа бутун ҳаётини мусиқага бағишлайди.

1923-йилдан Самарқандда мусиқа педагогика билим юртида мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди ва Самарқанд Давлат театрининг миллий мусиқа раҳбари этиб тайинланади. Юнус Ражабий ҳаётидаги муҳим воқеа унинг Самарқандда машҳур ховизлар билан яқиндан танишгани бўлди. Юнус Ражабий чолғучилик репертуарини янги асарлар билан бойитиш учун «Шашмақом» ни ўрганишга жуда киришади.

Академик Юнус Ражабийнинг беш жилдли ўзбек халқ мусикаси (1955-1960), олти жилдли «Шашмақом» (1966-1975), «Мусиқа меросимизга бир назар» (1978-1979), «Хоразм мақомлари»нинг биринчи ва иккинчи тўлдирилган нашрлари ананавий ижрочиликка бағишлагандир. Устоз узок йиллар давомида Ўзбекистон телерадиоси қошидаги мақомчилар дастасига раҳбарлик қилганлар. Юнус Ражабий ижод қилган «Раъноланмасин» кўшиғи ҳозирги кунда ҳам хофизларнинг репертуарларидан ўрин олган.

Юнус Ражабийга 1939- йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

санъат арбоби, 1955- йилда Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. 1966- йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, 1971- йилда республикамызда нуфузли бўлган «Хамза номидаги Давлат мукофоти» га сазовор бўлди.

Юнус Ражабий фаолиятини ўрганиш, унинг мусикашуносликдаги чолғучилик ва педагогик, маърифий ва маданий меросини бўлажак авлодимизга етказишимиз керак. Бу мерос ёшларни тарбиялашда, комил инсон бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.



## Солфеджио: «Саломат», «Бахти эркатой», «Читтигул»

Болаларга ашула ўргатиш ва солфеджио бўлиб куйлаш тарбиячининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Солфеджио куйлаш мураккаб психологик-физиологик жараён бўлиб, нутқ, овоз органи, эшитув ва нафас олиш аппаратларининг узвий координацияси натижаси сифатида амалга оширилади. Болаларнинг овоз пардалари ноталар орқали куйланганда ўта нозиклиги, мўртлиги, мунтазам ривожланиши билан фарқ қилади.

Болалар овоз пардаларининг тебраниш амплитудаси қисқа ва тез ҳаракатланиши туфайли улар овози ингичка, енгил, нозик ва регистр жиҳатидан анча юқори бўлади. Мусиқавий тарбия ишини тўғри йўлга қўйиб, болаларнинг ёшига ва овозига мос кўшиқларни куйлаши натижасида уларни овоз аппарати яхши ривожланади. Бундай ҳолда кичик репертуарларни танлашда болаларнинг қуйдаги овоз диапазони нормаларига риоя этиши тавсия этилади. 2-3 ёшли гуруҳ болаларининг овоз диапазони ми-ля, 3 ёшли гуруҳларники ре-ля 5 ёшли гуруҳ болаларники ре-си, 6 ёшли гуруҳ болаларники ре-си (до иккинчи октава) оралиғида ноталар орқали куйланади.

### Читтигул

Ғ.Ғулом шеъри

Ўзбек халқ ўйини

#### Ўйноқи



Tosh-xon qiz o' - zi o' - zi Bo - shi - da yor -

ma do' - zi Hay - yu chit - ti gul

## Саломат

М.Оқилов шеъри

Ил.Ақбаров

### Шошилмасдан

Oq - qu - yo-nim a - lo - mat O - tin qo'y dim  
Sa - lo - mat. Tin - may cho - pib o'y - nay -  
- di Char-chash - ni hech bil - may - di

## Бахтий эркатой

Н.Муҳаммад шеъри

Т.Тошматов мусиқаси

### Илдам

Voy, voy, voy, voy Bax-tiy er - ka - toy. Er - ta - lab tu -  
rib ich-mas e-kan choy. Voy, voy, voy.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Анъанавий кўшиқ турлари кимлар томонидан ёзилади ва айтилади?
2. Й.Ражабийнинг ўзбек мусиқа оламидаги ўрни ва аҳамияти?
3. Нота орқали кўшиқларни куйлаб беринг.

### **Мусиқа – санъат турларидан бири**

Мусиқа санъати инсоннинг ёшлигидан унга бевосита ва кучли таъсир ўтказиб, унинг умумий маданий ривожда катта ўрин тутди. Демократик жамият маданий ҳаётида янада кенгроқ ўрин тутаётган мусиқа кишига бутун ҳаёт давомида унинг доимий ҳамроҳи ҳисобланади. Мусиқа ягона санъат бўлиб, инсон юрагига жуда чуқур кириб бориб, ана шу қалб тугёнини ёрқин ифодалаш қудратига эга.

Мусиқа – эстетик тарбия, демократик жамият кишисини гармоник тарбиялаш йўлида олиб борилаётган улкан ишнинг таркибий қисмига айланмоғи керак.

Болалар билан мусиқали иш олиб бориш айниқса катта аҳамият касб этади. Мусиқа бола қалбида кучли эмоционал туйғу уйғотади. Мусиқа ёрдамида унинг бадиий идроки ўсиб, ҳиссиётини янада бойитиб боради. Болаларда мусиқавий идрокни ўстирмай, уларнинг мусиқага меҳр-муҳаббатини етарли даражада қизиктирмай туриб, ҳар томонлама жисмоний бой, маънавий ва қатъий ахлоқий сифатларни тарбиялаб бўлмайди. Мусиқага ёшлиқдан уйғонган қизиқиш кишининг кейинги мусиқавий ривозида кучи таъсир ўтказади, бошқа кўникма ва дидларнинг шакилланишини таъминлайди, яхши мусиқали дидни тарбиялайди. Мусиқа эстетик ва манавий кайфиятнинг улкан манбайидир. Мусиқанинг бола ҳиссиёти ва шакилланишига, унинг мазмунинми тушуниш ва ҳис этишга катта таъсирини ҳисобга олганда ҳаққоний ва воқийликни тўғри акс эттирган мусиқали асардан ўринли фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Муסיқали образлар шакилланишининг асосий манбайи табиат ва киши нутқига мос келишига, атроф-оламдаги гўзалликни идрок этишига бевосита боғлиқдир.

Муסיқали идрок этишнинг вазифаси ва мазмунини аниқлаш муҳимдир. Булар шахснинг ҳар томонлама ривожидан, жумладан, эстетик тарбияси вазифалар билан боғлиқ, умумий мақсадлар билан белгиланади. Бундай вазифалар болаларни муסיқа соҳасидаги фаолиятга жалб этиш, бадиий муסיқага эстетик идрок этишни ва эмоционал ўзлаштиришни ривожлантириш, унга муҳаббатни тарбиялаш, муסיқали қобилиятни ўстириш, муסיқали дидни шакллантириш, болаларда бадиий ижодкорлик иқтидорини ривожлантиришдан иборат бўлмоғи керак. Муסיқанинг бола ҳиссиёти ва интилишига, мазмунига ва ҳис этишига катта таъсирини ҳисобга олганда, ҳаққоний ва воқеийликни тўғри акс эттирган муסיқали асардан ўринли фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Муסיқий санъат учун одамнинг фикрлаш ва ифодалаш ҳиссиёти асос бўлиб хизмат қилади. Муסיқа товуш билан ҳамоҳанглик ривожидан дастлаб нутқ ва рақс билан боғлиқ бўлган эди. Муסיқа меҳнат ҳаракати ритми билан мослашиб, бир мақсадга интилаётган кишиларни бир-бирларига бирлаштиришни осонлаштиради.

Нутқ оҳанглари, меҳнат жараёнлари ритмлари ва муסיқали оҳанглари умуллашуви натижасида халқ муסיқаси шаклланади. Халқ санъати манбаларига асосланган муסיқа ҳаммаша жозибадор бўлиб, қалбда турли ҳис-ҳаяжонлар уйғотади. Шу билан бирга, муסיқада товушларга ва тасвирий ҳолатларга тақлид қилиш ҳоллари бор, аммо масаланинг моҳияти булар билан белгиланмайди. Муסיқали образ ўзининг аниқ кўриниши билан боғлиқдир.

Оҳанг образининг етакчи воситаси бўлиб, у барча муסיқий ифодалар (оҳанг, ҳаракат, муסיқий бўёқ ва бошқалар) билан бойиб боради. Гармония ва маълум овозлар билан

умумлашиб, муסיқий асарнинг барча томонлари билан боғланади.

### **Муסיқа остида ҳаракат ва ўйинлар**

Муסיқанинг ақлий эстетик ва жисмоний ривожда рақс, муסיқали ўйин ва муסיқа билан ҳаракат катта аҳамиятга эга. Муסיқа фаолиятининг бу турлари боланинг ҳар томонлама ўсишига катта ёрдам беради.

1. Унинг муסיқа уқуви, айниқса туйғуси ва муסיқа хотираси яхши ривожланади, чунки ҳар қандай ҳаракат тури муסיқа ритми ва тактлар остида бажарилади ҳамда ҳаракат билан боғлиқ бўлган муסיқа оҳанглари бола хотирасида турғун сақланади.

2. Рақс ва муסיқали ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик, чаккон-ликни ривожлантириб, баданни чиниқтиради коматнинг тўғри ўсишига катта ёрдам беради.

3. Муסיқа асарлари билан турлича эмоционал ҳислар уйғонади, турлича кайфиятлар ҳосил этиб, унинг онгида ўзига хос образлар яратадики, булар болага ҳаракат схемаларини бадиий ишоралар билан ифодалашга ёрдам беради. Демак муסיқа билан ҳаракат боланинг ақлий ва эстетик қобилиятини ҳамда иродасини ривожлантиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, марш муסיқалари болага ғайрат ва тетикликни бағишлайди. Марш муסיқаларисиз байрам эрталиклари, ҳатто боғчанинг оддий бир кунлик ҳаётини ҳам тасаввур қилиш қийин. Рақс куйлари эса болада ажойиб ички ҳис-туйғулар, кечинмалар ҳосил этиб, беихтиёр рақсга тушушга ундайди. Муסיқа остида ҳаракат ва ўйинлар кичик ёшли болаларга тез таъсир этади. Шунинг учун қувноқ, қизиқарли муסיқали ўйинлар боғча ёшидаги ҳар бир боланинг эътиборини ўзига тортади. Муסיқа остида ҳаракат ва ўйинларнинг турлари куйидагилардан иборат.

1. Жисмоний тарбия машғулотлари – асосан тартибли қадам босиб юруш, чопиш, сакраш каби ҳаракат турлари.

2. Болаларнинг саҳналаштирилган сужетли ўйинларидан, катталарнинг бажарадиган турли маиший ишларидан олган таассуротлари (машинани бошқариш, қурилиш ишлари, пахта

териш, рўзгор ишлари ва ҳоказо) асосида бажарадиган ҳаракатлари, турли ҳайвонларнинг ҳаракатлари товушларини ифодалаш.

3. Турли рақслар таъсирида вужудга келадиган болаларга мос оддий ҳаракатлар.

Бу ҳаракатларнинг ҳар учала тури ҳам боғчада мусиқа билан бажариладиган барча ҳаракатларнинг асосини ташкил этади ва уларнинг асосий ифодали ҳаракат элементлари ҳисобланади. Бу ҳаракат элементлари, мусиқа остида бажариладиган барча ўйинлар турлича ифодаланади. Ўйин боғча ёшидаги болалар ижодий фаолиятини энг фаол шаклидир. Ўйинларга мўлжалланган мусиқа асарларининг бадий мазмуни характери ва ифода воситалари ўйиннинг сужетига мос тушиши шарт.

Ўйиннинг сюжети эса боғча ҳаётдан олинган бўлиши лозим. Унда боланинг ижтимоий ҳаёт ва табиат билан муносабати ўз аксини топиши керак, айникса халқ болалар ўйинлари катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб мусиқали ўйинлар ўз мақсади, вазифалари жиҳатидан дидактик ўйинларга мансуб бўлиб, улар асосан ҳаракат воситасида ижро этилиши билан характерланади.

### **Боғбон ва гуллар**

(ҳаракатли ўйин)

### **Гуллар рақси**

(ўзбек халқ

куйи)



Ўйиннинг мазмуни: ўйинда 10-15 та бола иштирок этади. Ўйинчилар орасида «боғбон» танланади, Қолганлари «гул»

бўладилар. Ҳар бир боланинг бошида бирор гулнинг расми туширилган рўмолча бўлади. Гуллар айлана ҳосил қилиб ўтирадилар. «Боғбон» болалар орасидан юриб, «даврага келинг, болалар, биргалшиб гул терамиз ва рақсга тушамиз», — дейди, кейин «боғбон» ўзидаги гуллардан бирини олиб, кўзини юмиб, шундай гулли рўмолча ўраган болани танлайди ва рақсга тушади. Агар тўғри топса, ўринларини алмаштирадилар. Топа олмаса, яна «боғбон» бўлиб қолади. Ўйин шу тарзда давом этади.

**Чопон қўл** (ўзбек  
халқ ўйини) **Асп**  
**бўламан** (ўзбек  
халқ куйи)



**Ўйиннинг мазмуни:** ўйинда чекланмаган сондаги болалар қатнашадилар. Улар айлана бўлиб, чордона қуриб ўтирадилар. Бошқарувчи айлана ташқарисидаги болалар бир-бирларига узатаётган чопонни юлқиб олишлари керак. Чопонни бериб қўйган бола ўртага туриб рақсга тушиши ёки шеър айтиши керак. Сўнг бу бола бошқарувчи бўлади. Ўйин шу тариха давом этади.

**Бақа билан**  
**лайлак** (ўзбек халқ

ўйини) Чаманда  
гул (ўзбек халқ  
куйи)



**Ўйиннинг мазмуни:** ўйинда 15-20 та бола иштирок этади. 4 бола лента тортиб, «қамишзор» ҳосил қилади. Ўйновчилардан «Лайлак» сайланади, қолганлари «Бақа» бўлишади. Лайлак қамишзорга яқин жойда, «Бақа»лар қамишзорда бўладилар ва сакраб-сакраб ўйнайдилар. Бошқарувчининг ишораси билан «Лайлак» қамишзорга киради ва «Бақа»ларни тута бошлайди. «Бақа»лар лента устидан сакраб, қамишзордан қочадилар. Қўлга тушган «Бақа»ларни «Лайлак» ўзи билан олиб кетади.



Маршдаги хужум  
Марш  
(Хоразм халқ марш)



**Ўйиннинг мазмуни:** ўйинда чекланмаган сондаги болалар қатнашадилар. Улар иккита гуруҳга бўлинади. Иккала гуруҳ бир-бирига қарама-қарши туради. Бошқарувчининг ишораси билан бир томондагилар марш остида қарши томонга юради. Орада 2-3 метр қолганда тўхтади. Яна бошқарув-чининг ишораси билан орқага ўз маррасига қочади. Қарши томондагилар уларни ушлайди. Сўнгра алмашадилар. Қайси томон қарши томон боласини кўп ушласа, шу томон голиб саналади. Ўйин шу тарзда давом этади.

**Чавандоз**  
(ҳаракатли ўйин)  
**Гуллар ракси**  
(Ўзбек халқ  
куйи)



**Ўйиннинг мазмуни:** ўйинда чекланмаган сондаги болалар қатнашадилар. Бошқарувчининг ишораси билан мусиқа остида болалар айлана бўйлаб) отлар каби аввал секин, кейин лўкиллаб ва йўрғалаб юрадилар. Мусиқа тўхтагач, болалар олдиндан белгилаб қўйилган айлана ичига кирадилар. Ўйин шу тариқа давом этади.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Ритмик ҳаракатларнинг мусиқадаги ўрни қандай?
2. Мусиқа орқали бажариладиган ўйинлар қайсилар?
3. Ҳаракат ва ўйиннинг болалар ҳаётидаги ўрни қандай?

**Мусиқа назарияси асослари ва методлари**

Тарих бизга шуни ўргатадики, санъат кишилиқ фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, киши шахси санъат ёрдамида ва иштирокида тўлалигича ёрқин намоён бўлади. Ҳозирги замон кишисини тарбиялашда фан билан бир қаторда, санъат ҳам муҳим ўрин тутди. Санъат инсонпар-варлик ва одамийлик ҳамкорлиги руҳида ўзининг ҳиссиётини ўстиришда ёрдам

бериб, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради. Ҳозирги замон кишисида унинг эстетик идрокини тарбиялашга гамхўрлик қилар

еканмиз, санъат билан муомала қилишдан ҳосил бўладиган хис- хаяжондан уни ўз ҳаёти ва фаолиятида фойдалана билишга ўргатмоғимиз лозим. Шу сабабли эстетик тарбия барча тарбия ишининг таркибий қисми ҳисобланади.

Одамнинг улғайишини ҳисобга олмаган ҳолда бутун халқнинг эстетик тарбияси ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Болаларда ёшлик чоғидан идрок этиш, хис этиш, турмуш ва санъатдаги гўзалликни тушуниш иштиёқи тарбияланади, бу каби гўзалликни яратишга интилиш кучаяди. Боланинг бадий фаолиятга бўлган қизиқиш ортади. Унда бадий – ижодкорлик қобилияти ривожланади.

Эстетик тарбия жараёнида болаларда табиатга, меҳнатга, ижтимоий ҳаётга, турмушга бўлган меҳр-муҳаббат ҳисси ортиб, улардаги гўзалликни кўра билиш иқтидори шаклланиб, шу гўзалликларни уларнинг ўзи мустақил равишда яратишга интилади. Санъат воситасида амалга ошириладиган бадий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

1997-йилда эришилган асосий ютуқлардан бири «Таълим ҳақида қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури» қабул қилинди. Республикамизда таълим-тарбия катта аҳамиятга эга бўлиши бугунги кунда берилган эркинлик ва имкониятлар, халқ таълимида ҳозирги аҳволни янгилаш, янги назарий ва амалий дарсликлар яратиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлида янги методларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Республикамизда кўп сонли педагогика билим юртларида асосий фанлар қаторида, мусиқа фанига эътибор берилаётганини ҳисобга олиб, келажакда билим юртини битираётган талабалар ўрта мактабларда ашула ва мусиқадан ўқувчиларга сабоқ беришни назарда тутиб, ушбу рисола яратилди.

Ушбу ўқув қўлланмадан педагогика билим юртлари талабаларидан ташқари, республикамиздаги барча ўрта мактаб

музыка ўқитувчилари, болалар боғчасининг музыка ўқитувчилари ва музыка соҳаси ҳаваскорлари фойдаланишлари мумкин.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Музыка остида бажариладиган ҳаракат ва ўйинларни айтинг ва кўрсатинг.

2. Музыка назарияси асослари методлари неча турдан иборат?

3. Ҳар бир методга алоҳида ўз фикрингизни билдириңг.

### **Рақс ва хороводлар ҳамда музикаий ритмик ҳаракатларнинг вазибалари**

**1. Рақс ва хороводлар.** Болалар ўйинларининг бу турлари халқ рақслари ва классик бал рақслари элементлари асосида тузилади. Уларни мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Музыка асарининг тузилишига биноан, ҳаракат элементлари мужассамланган рақс. Масалан, икки қисмли музикага мос икки қисмли рақслар, уч қисмли музикага эса уч қисмли рақслар қўйиш керак бўлади. Мисол учун, ўзбек халқ рақси «Андижон полкаси»ни олайлик. Тарбиячи мазкур музика асосида юқори ва тайёрлов гуруҳ болаларига мос чаққон ҳаракатли рақс шаклини танлаши мумкин. Тарбиячи гуруҳ имкониятларини ҳисобга олиб, «Андижон полкасини» ни бир оз қисқартириб, катта авжини истисно этган ҳолда, икки қисмли, тўла шаклда чалиб, уч қисмли қилиб ҳам ўргатиши мумкин. Демак рақсни музиканинг мантиқий қисмларига кўра ҳаракат элементларини танлаб қўйишига тўғри келади. Бу рақсни яққа ва кичик гуруҳ шаклида қўйиш мумкин.

**2. Эркин рақслар.** Бу рақслар ижодий характерга эга бўлиб, халқ рақс қуйлари, бастакор яратган рақс қуйи ва полкалар остида ижро этилади. Унда болалар машғулотлардан олинган малака ва кўникмаларини ишга солиб, музиканинг характерига мос ҳаракат элементларини танлаб «янги рақс» яратадилар.

**3. Рақс характеридаги хороводлар ва ўйинлар.** Хоровод

кўпроқ рус рақс санъатига мансубдир. Улардан фойдаланиш яхши натижа беради. Хороводларда асосан ашула айтиб, давра курган ҳолда ўйинга тушилади. Бўғчанинг юқори ва тайёрлов гуруҳларида рус хоровод асарларидан «Каравай» ўйинини ўрганиш мумкин. Хоровод характериға хос ўзбек ўйинлари ҳам мавжуд. Масалан, «Чорий чамбар», «Оқ теракми, кўк терак» ва бошқалар. Тарбиячи боғчада миллий ўйинлар билан бирга бошқа халқлар хороводлари ва ўйинларидан фойдаланиш лозим. Бу ўйин турлари кўпроқ ўйин-кулги, байрамлар пайтида ўйналади.

**4. Шартли равишда ижро этиладиган болалар бал рақслари.** Валс ва полка характердаги рақслар ёрдамида болаларға бал рақслари элементлари ўргатилиб борилади. Бунда шўх, қувноқ куйда такрорланувчи ҳаракат схемалари асосий рўл ўйнайди.

**5. Характерли рақс.** Бирор персонаж образи, масалан, куёнлар, бўри, хўроз ва бошқалар маълум инссенировкаларда эркин рақс тарзида ўйналиб, ифода этилади.

Юқорида баён этилган рақс ва ўйинлар боғчанинг асосан ўрта ва юқори гуруҳларида ижро этилади. Кичик гуруҳларда эса ниҳоятда содда ва осон ўйин ҳаракатлари асосан ўйинчоқлар ва турли ўйинлар билан бирга қўшиб амалға оширилади. Шунинг учун кичик ёшли болаларнинг рақс ва ўйинлари шартли равишда планлаштирилади.

Ўйин ва рақслар ўргатишда машқ катта ёрдам беради, зероки, ҳар қандай рақс ва ўйинлар конкрет деталлардан ташкил топади. Шунинг учун баъзи рақс ва ўйинларни ўргатишдан аввал улар таркибидаги айрим ҳаракат элементларини машқ сифатида ўрганиш мақсадға мувофиқдир. Бунда ҳар бир ҳаракат элементини тарбиячи аниқ ва ифодали равишда кўрсатиб бериши лозим.

Рақс ва ўйинлар қўйишда болалар ижодига ҳам эътибор бериш шарт. Маълумки, болалар катталарға тақлид қиладилар ва кўпинча тарбиячи ўргатадиган ўйин ва рақсларни унинг шахсий ижоди, деб ҳам тушунадилар. Шунинг учун болалар тарбиячига тақлидан ўзлари ҳам «янгий рақслар яратишға интиладилар. Гуруҳ болалари орасида рақс тушишға мойил

талантли болалар кўп учрайди. Тарбиячи шундай болалар рақсидан намуна сифатида фойдаланиши мумкин. Рақс ўргатишда чолғу асбобларидан унумли фойдаланиш муҳим рўл ўйнайди. Умуман, мусиқа машғулотларини ўтказишда фортепиано асосий ва етакчи чолғу асбоби ҳисобланади. Фортепианога қўшимча тарзда рубоб, дутор, гижжак, най, чанг каби чолғу асбобларининг биридан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

Хусусан, миллий рақсларни, масалан, «Чертмак», «Уфор»,

«Андижон полкаси», «Жонон» ва бошқаларни ўргатишда фортепиано билан бирга, халқ чолғу асбобларидан фойдаланиш болаларда катта қизиқиш уйғотади. Халқ чолғу асбобларидан ўз меъёрида фойдаланилса, биринчидан, болаларда тембр укуви яхши ривожланади, иккинчидан, болалар ёшлиқдан мусиқа асбоблари билан танишиб

борадилар. Машғулотнинг мусиқа билан ҳаракат ва мусиқа тинглаш қисмларида халқ чолғу асбобларидан унумли фойдаланиш мумкин. Фортепиано мавжуд бўлмаган айрим болалар боғчаларида унинг ўрнига баян ёки аккордеондан фойдаланиш тавсия этилади. Мусиқа машғулотларида ўрганилган кўшиқ, рақс, ўйин ва хороводлар атоқли саналар ўтказиладиган эрталикларда ижро этилади. Болалар боғчаларида асосан саналарга бағишланган эрталикларга планли равишда тайёргарлик кўриб борилади: Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни ва етти ёшлиларни мактабга кузатиш маросими. Мазкур байрамларни болалар сабрсизлик билан кутадилар. Байрам куни болалар учун энг севинчли дамларга айланиши кўпроқ эрталик дастуридаги ашула, мусиқа, рақс, ўйин ва мусиқали постановкалар репертуарининг пухта тайёрланишига боғлиқ. Мазкур репертуар боғчадаги барча гуруҳ болаларининг бир жамоа бўлиб бирлашишларига катта ёрдам беради.

Эрталикда ота-оналар ҳам қатнашишлари сабабли болалар улар олдида концерт номерларини юксак савияда ижро этишга интиладилар.

Умуман, эрталликлар мусиқа тарбиясининг боғча тарбиячилари билан биргаликда байрамдан байрамгача олиб борган умумий фаолиятининг якуни ва ҳисоботи сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Ритмик ҳаракатлар мусиқавий таълимда муҳим ўрин тутади. 20– 30-йиллар кўламида ритмика четга сурилиб, иккинчи даражага тушиб қолган эди. Эндиликда ҳозирги замон талабига айланди.

Ритмик ҳаракатлар болаларга мусиқий кайфиятни, мусиқавий ҳаракатлар орқали ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Бу машқлар болаларнинг сезги органларини ривожлантиради. Ритмик машғулотларга қатнашган бола биринчи ўринда мусиқа остида тўғри ҳаракатлана олади, мусиқа саводи кучаяди, мусиқий оламга кириб боради. Шу образда мусиқий ритмик машғулотлар боланинг жисмоний ва рухий ҳолатига ҳам таъсир этади.

Мусиқий ритмик ҳаракатларнинг асосини ўқитувчи, композитор, бастакор, жамоат арбоби Э. Мах Долкроз шундай деган эди: Жисм яшаши учун «Ҳаракатларни тадбик этиш лозим. Э.Мах Долкроз кўпкина ўқув масканларини унда ўқитувчининг ритмика методикаси ўргатилади» («Мусиқа ва ритмика мактаби Холлерау, 1910-йил Мах Долкроз институти, 1915-йил»). *Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Болалар боғчасидаги қандай рақс ҳаракатлари ва мусиқавий ритмик ҳаракатларни биласиз?
2. Қандай мужассамлашган рақсларни биласиз?

### **Болалар боғчасида байрам эрталликлари**

Байрам эрталликлари боғча ҳаётининг энг муҳим ва таркибий қисмига айланган бўлиб, тантанаворлик, хурсандлик ва шодлик ҳолатини вужудга келтиради, болаларнинг бадиий дидини тарбиялайди. Байрам эрталликларидан мақсад, болаларни нафосат оламига олиб кириш, уларда ажойиб ёрқин таассуротлар қолдириш ва шодлик бахш этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Мустақилликка эришди. Истиқлол шарофати

туфайли кадрятларимиз, унутилган, лекин бола тарбиясида ниҳоятда зарур бўлган урф-одатларимиз тикланмоқда. Шу сабабли байрам эрталиклари шаклан ва мазмунан ўзгармоқда. Болалар боғчаларида нишон- ланадиган асосий байрамлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни.
2. Ўқитувчи ва мураббийлар куни.
3. Меҳржон байрами.
4. Янги йил байрами.
5. Ватан ҳимоячилари куни.
6. Халқаро хотин-қизлар байрами.
7. Наврўз байрами.
8. Хотира ва кадрлаш куни.
9. Гул ва қушлар байрами.
10. Соғломжон ва полвонжон байрам эрталиги.
11. Болаларни мактаб кучоғига кузатиш тадбири.

Ҳар бир байрамнинг ўз маъноси ва алоҳида хусусияти бор. Масалан, 1 сентябрда нишонланадиган **Мустақиллик байрами**да ватанни севиш ва эъзозлаш, унга муносиб фарзанд бўлиб етишиш, унинг ютуқларидан фахрланиш ҳисси тарбияланади. Байрам катта гуруҳ болалари билан ўтказилиб, улар Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини



куйлайдилар. Кичик ва ўрта гуруҳ болалари томошабин сифатида қатнашадилар. Эрталикдаги ўйинлар, инсценировкаларда халқимизнинг эришган ютуқлари, меҳнатнинг инсонга қувонч бахш этиши одамларнинг бири-бирига меҳр-оқибати, қадриятларимиз кўрсатилиши керак. Мусиқа раҳбари байрам дастурини тузишда ижодий ёндошиб, замонавий болалар кўшиқлари билан бир қаторда, ўзбек халқ кўшиқларини ҳам дастурга киритишимиз лозим.

**Меҳржон байрамида** меҳнат мавсуми якунига етаётганлигини иодалаб, «Қуёш бобо» га миннатдорчилик билдириб, «Бободехқон» меҳнатини, «Она ер» саховатини, меҳр мурувватини, «Кузжон» нинг тўкин сочинлигини рамзий образлар орқали чуқурроқ идрок этишларига эришиш лозим. Бу байрамни катта, ўрта ва кичик гуруҳ тарзида ўтказиш мумкин. Байрам тантаналарида иложи борича ўзбек миллий асбобларини (карнай, сунрай, ноғора) жалб қилиш тавсия э тилади. Имконият бўлмаса, фонограммадан фойдаланиш лозим. Аскиялар ва кичик сахналаштирилган эртақлар ҳам бўлиши тавсия э тилади. Қўшиқ, лапар (айтишув) ва аскиялар мазмуни болаларга тушунарли бўлиши керак.

**Янги йил байрами** бутун дунёда рамзий қабул қилинган бўлиб, жаҳон болаларининг энг сеvimли байрамидир. Унда чиройли безатилган арча, қувноқ куй, қўшиқ ва ўйинлар Қорбобо, Қорқиз ва турли эртақ қаҳрамонлари, ўрмон хайвонлари иштирок этиб, болалар билан хурсандчилик қиладилар.

**Наврўз байрамида** уйғонаётган борлиқ, табиат улуғланади. Қадрият, урф-одат удумларини акс эттирувчи мазкур байрам, табиат уйғониши, янги меҳнат мавсумининг бошланиши, табиат гўзаллигидан завқланиш ва уни асрай билиш, кўкаламзорлаштириш, меҳнатни улуғлаш каби ғояларни ўзида мужассам этади. Қўшиқ-яллалар куйланади, ўлан- айтишувлар ва турли хил қизикарли ўйинлар ўтказилади. Бу байрамни боғча шароитидан келиб чиққан ҳолда, залда ёки ҳовлида ўтказиш мумкин. Қадимда шарқ халқлари ўз сайлларига одамларни карнай-сурнай орқали чорлаганлар. Шунинг учун байрамнинг тантанали қисмида миллий чолғу асбоблардан ёки

фонограммадан фойдаланиш лозим. Бадий қисмда қувнок кўшиқлар янграйди.

**8 март байрамида** болалар оналари, бувилари, опалари, тарбиячиларига бўлган меҳрлари ва улкан муҳаббатларини кўшиқ, шеър, ракс, ўйинларида

ифодалайдилар. Уларнинг меҳнатларини эъзозлаб, миннатдорчилик билдириб, ўз кўллари билан ясаган совғаларини тақдим этадилар. Улар учун катта, ўрта ва кичик гуруҳларда концерт уюштирилади. Байрам учун тўғри танланган кўшиқ, мусиқа, сахна кўринишлари болаларда хушчақчақ кайфият туғдиришда катта аҳамиятга эга. Улар байрамнинг умумий характериға, мазмунига мос бўлиши керак. Агар боғчада халқ чолғу асбобларидан тузулган болалар ансамбли бўлса, уни ҳам байрам дастуриға киритиш керак.

Буюк сиймолар таваллуд топган кунлар учун бадий мусиқий- нафосат соатларини ташкил этиш, болаларда миллий ғурур туйғуларини шакллантириб боради. Уларнинг расмларини кўрсатиб, буюк хизматлари ҳақида маълумотлар бериш, болалар ёшиға мос асарлари билан таништириш эса болалар маънавиятини оширади.

Шунингдек, байрамлар болаларни Республикамизда яшайдиган барча миллат ва халқларнинг урф-одатлари, кўшиқ ва ўйинлари билан таништириш ҳамда уларға нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашда катта ўрин эгаллайди.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Болалар боғчасида эрталикларни ўтказишдан мақсад нима?
2. Ўил давомида ўтказиладиган байрамларнинг ва шу байрамда тарбиячининг ўрни?

### **Кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳларида байрам эрталиклари**

МТМ да олиб бориладиган барча байрам эрталиклари воситасида олийжаноб фазилатлар ёш авлодға боғча ёшидан бошлаб шакллантирилади. Байрам эрталиклари

жараёнида бола ҳаётгий воқийликни мусиқавий образлар орқали идрок этиб боради. Болалар ёшига хос мусиқа асарлари кичинтойларда унутилмас таассурот қолдиради, уларни рухий дунёсини бойитади. Боғча шароитидаги мусиқавий тарбия бадиий адабиёт ва тасвирий санъат билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилади.

### **Кичик ва ўрта гуруҳларда байрам эрталиклари**

1. Мустақиллик байрами. Бу байрам тадбири 1-сентябрда ўтказилади. Тадбир Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг янграши билан бошланади. Болалар Ватанимиз ҳақидаги шеърларни ёддан ўқиб, кўшиқлар ижро этадилар.

2. Меҳржон байрами – Бободехқон ва она заминни улуғловчи байрамдир. У 25-октябрдан 5-ноябргача ўтказилади.

3. Арча байрами. Бу байрамда Қорбобо, Қорқиз ва сеvimли эртак қахрамонлари иштирок этадилар.

4. 8-март – Онажонлар байрами.

5. Наврўз байрами 21-мартдан бошланади.

6. Соғлом ва полвонжон тадбири эса 1-июнда ўтказилади.

### **Катта ва тайёрлов гуруҳларида байрам эрталиклари**

1. «1-сентябр – Мустақиллик байрами». Байрам тадбирлари орқали болаларда ватанпарварлик ва байналминаллик туйғулари таркиб топтиради.

2. 1-октябр – «Ўқитувчилар ва Мураббийлар куни».

3. Тил байрами. Бу байрам «Тил – дил қалити», «Она тилим – жон- у дилим» номлари остида нишонланади.

4. «Меҳржон байрами» – ҳосил байрами.

5. 8-декабр – Конституция куни. Шу муносабат билан

«Қомусимиз – номусимиз» тадбири ўтказилади.

6. «Арча байрами» эрталиги.

7. 14-январ. «Ватан ҳимоячилари куни».

8. 8-март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан

концерт уюштирилади.

9. 21-март – Наврўз байрами. Бу тадбирда, асосан, урф-одатларимиз ва қадриятларимиз ҳақидаги сахна коринишлари ва куй- кўшиқлар ижро этилади.

10. Гуллар ва қушлар байрами май ойида ўтказилади. Болалар Ўзбекистон гуллари ва қушлари ҳақида шеър ҳамда кўшиқлар айдатилади.

11. «Соғломжон ва полвонжон», «Соғлом танда – соғ ақл» тадбирлари 1-июнда ўтказилади. Байрамда турли эстафета ва беллашувлар уюштирилади.

12. Мактабда кузатиш байрами. «Хайр, боғчажон – салом, мактаб!».

### «Сизга таъзим, азиз устозлар»

Зал байрамона безатилган. Муסיқа садолари остида болалар қўлларида гуллар, шарлар билан кириб келадилар.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар! Сизларни умумхалқ байрами – «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан чин юракдан табриклаймиз!

Сиздан бошланади асл тафаккур,  
Мунис муаллимлар, сизга  
ташаккур!

*(Абдулла Орипов)*

**Бола:** Бошда фикр нури –  
гавҳар, Болаларга устоз  
сарвар. Қалби тоза  
гуллар қадар,

**Ҳамма:** Бу устозлар, устозлар!

**Бола:** Ишимизда гар сезса нуқсон,  
Юрагида турар, тўфон.  
Тунлар бедор қийналади жон,

**Ҳамма:** Бу устозлар, устозлар!

**Бола:** Иши билан дили бирдир,  
Дўсти ёрга ширин тилдир.  
Тўлқин урса Аму-Сирдир,

**Ҳамма:** Бу устозлар, устозлар!

**Бола:** Мустақиллик хуш замона,  
Хуш замонга у парвона.  
Юртим, элим, дея ёна,

**Ҳамма:** Бу устозлар, устозлар!

«Боғча опа, бўлманг хафа» кўшиғини куйлайдилар. Гул ва шарлар билан «Байрамингиз муборак» раксини ижро этадилар.

**Бошловчи:** Президентимиз Ислом Каримов фармонига биноан, 1997-йил 1-октабрни «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» – умумхалқ байрами, деб эълон қилинди. Болажонлар, устоз деганда кўз олдингизга қандай инсонлар намоён бўлади?

**Бола:** Бизларга одоб ва ахлоқни ўргатувчи опамиз.

**Бола:** Бизларга турли хилдаги ақлий ва миллий ўйинлар ўргатувчи опамиз.

**Бола:** Улар бизга тинмай билим берадилар, ҳисоб – китобни ўргатадилар.

**Бола:** Улуғларни эслашни,  
Ҳикматларни ёдлашни,  
Ватанни эъозлашни,  
Ҳам кўйнида яйрашни,  
Булбул бўлиб сайрашни,  
Ўргатади опамиз.

**Бошловчи:** Баракалла, жуда тўғри топдингиз. Устоз ана шундай улуғ зотдир. Бугун қалбимиздан она каби жой олган устозларга қанча ширин сўзлар, шеърлар айцак, шунча кам.

**Бола:** Ассалом, айтамыз сизга азизлар!

Минг калом айтамыз, сизга устозлар.  
Ассалом сўзидай азиз бўлингиз,  
Энг қувноқ, энг шодон инсон бўлингиз.

**Бола:** Бугун байрам тантана,  
Байрамингиз муборак.  
Азиз устоз, мураббий,  
Айёмингиз муборак!

**Бола:** Тонгда туриб

опажон, Бизни дея  
шошасиз, Бизни кўриб  
узокдан, Қайноқ кучок  
очасиз.

**Бола:** Сиздан олдик кўп  
билим, Ўргатингиз  
толмасдан.  
Оналарни севишни,  
Унга кўмак беришни.

**Бола:** Бу оламни асрашни,  
Одам бўлиб яшашни. Боғда  
гулзор яратиб, Ўргандик  
боғбон бўлишни.

**Бола:** Боғларимиз оралаб,  
Гуллар тердик саралаб.  
Гулларнинг энг сарасин,  
Сизга бердик дасталаб.

«Қари наво» ўзбек халқ куйига ракс ижро этадилар.

**Бошловчи:** Азиз болажонлар, устозларнинг бурч ва вазифалари сизларга таълим-тарбия бериш бўлганидек, шогирдларнинг ҳам ўз устозлари олдида бурч ва вазифалари бор. Қани, ана шу бурч ҳақида кин айтади?

**Бола:** Устозларга итоатли бўлиш, насиҳатларига риоя қилиш.

**Бола:** Устознинг душмани билан дўст тутинмаслик.

**Бола:** Устознинг қариндош-уруғларини хурмат қилиш. **Бола:** Устознинг кувонч ва қайғусига шерик бўлиш. **Бола:** Устозига ҳамиша рост сўзлаш.

**Бола:** Устозини хафа қилмаслик, унинг сирларини сақлай билиш.

**Бола:** Устози олдида хокисор бўлиш.

**Бола:** Ўзининг ёмон одатларини тарк этиш.

**Бошловчи:** Баракалла, болажонлар, жавобларингиз мени мамнун этди. Мен бувижонимдан эшитган бир ривоятни айтиб бераман.

(Ривоят айтади.)

**Бошловчи:** Азиз устозларни улуғловчи қандай мақолларни биласиз?

**Бола:** Устоз – отангдай улуғ.

**Бола:** Устоз кўрмаган шогирд,

Олам сирини билмайди.

**Бола:** Устозлар ақли – донолар нақли.

Болалар «Юртим» кўшиғини куйлайдилар (Г.Кўчқорова мусикаси).

**Бошловчи:** Мана шундай масъулиятли касб эгалари бўлмиш устоз мураббийлар, жажжи болажонларга бор меҳрини бериб, сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган тарбиячилар, бутун халқимизнинг ҳар бир куни байрам бўлсин!

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Турли ёш гуруҳларида ўтиладиган байрамларни фарқлаб беринг?
2. Байрамларда иштирок этишда тарбиячининг ўрни қандай?

### **Болаларнинг МТМ да мусиқий фаолиятини ташкил этиш ва жиҳозлаш**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусикавий тарбияси ва ривожланиши машғулотларда, кундалик ҳаётда такомиллашади. Боланинг ўзидаги мусикага бўлган қизиқишини тарбиячи ёки гувернор мусикани боланинг кундалик ҳаётида эрталабки бадантар-бияда, машғулотда аниқ қилиб беради. Тарбиячи ёки гувернор болалар ҳаётини шундай ташкиллаштириши керакки, улар турли хил қизиқарли бўлиши шарт. Ўқитиш жараёнида олган билимларини эса болалар ҳаётида мустақил бажара олсинлар. Шу мақсадда педагог, мусика болалар ҳаётида ўз ўрнида ишлата олишни йўлларини ўйлаб топиши керак.

Шундай лаҳзаларни кўриб чиқамиз:

1. Сайр вақтида мусика.

Муסיқа ҳар хил ҳолатда болаларга ҳар хил таъсир қилиши мумкин. Масалан, Ўрмон йўлакларида шодон қадам ташлаб келаётган болалар ўзларига таниш бўлган шўх-шодон кайфиятда куйлаб боришмоқда. Атрофни кузатиш пайтида муסיқа атроф-муҳитни янада гўзал қилиб кўрсатади, атроф-муҳитга янада қизиқиш уйғотади.

Шундай ҳолатларда майдончада болалар чумчуқларга нон ушоқларини бериб бокқанда, уларнинг диққатини шўх бир чумчуқча тортади, у бошини айлантириб, оёқларида у ёқ бу ёққа кувноқ сакрайди. Тарбиячи Б.Гиенкониғ «Чумчуқ» ашуласини айтади. «Чирик-чирик, чирқ-чирик, бўғотда сайраб чумчуқ». Бу кўшиқни болалар муסיқа машғулотидан олдин эшитганлар, энди эса тарбиячи томонидан ижро этилган кўшиқ







болаларга бошқача таъсир этди. Уларнинг кайфияти кўтарилди, улар кузатаётган нарсаларга қизиқиш янада кучайди. Навбатдаги мусиқа машғулотида балалар бири-бирига навбат бермасдан мусиқа раҳбарига кўрган нарсаларини айтиб беришди ва уларга берилган ашулани танишди ва сўзларини тезлик билан ёдлай бошлашди.

Ҳар қандай мусиқа ўйинлари олдиндан режалаштирилган бўлиши керак.

## **2. Мусиқа бошқа машғулотлар пайтида.**

Оғзаки нутқни ривожлантириш, атроф-муҳитни таништириш машғулотида ҳам мусиқа муҳим аҳамиятга эга. М: «Мушук, хўроз ва тулки», «Зумрад ва Қиммат» каби эртақларни айтиб бераётган вақтда персонажларни мусиқавий ифодалаб беради.

Мусиқа болаларда образларнинг асосий характерини етказиб беришга ёрдам беради, ёшлик таассуротларини бойитади. Масалан, Д.Кабалевскийнинг «Масхарабозлар» пьесасини грамзаписда машғулот бошида тинглашади ва машғулот давомида расмдаги масхарабозни болалар ўзича кувнок, кулгили ҳолда талқин этадилар.

А.С.Пушкиннинг «Шох салтан ҳақида эртақ» қаҳрамонларини янада яхшироқ ўрганиш мақсадида машғулотдан олдин Н.Римский-Корсаковнинг «Денгиз», «Олмаҳон» операсидан айрим мусиқавий элементлар эшиттирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

## **3. Болалар ўйинларида мусиқа.**

Болаларнинг турлича ўйин машқларида мусиқалардан фойдаланилади. Болалар ўзлари ўрганган «мусиқа машғулотлари», «концерт»ларда рақсга тушадилар, ашула айтадилар. Бундай ўйинларда тарбиячи болаларга рўлларни бўлиб беради, ҳар хил мусиқаларни топиб беради.

Болалар тарбиясида мусиқавий-дидактик ўйинлар катта рол ўйнайди. Улардан айримлари машғулотлар вақтида ўрганилади. Ўйинлар мусиқавий қобилиятни, фикрлашни оширади. Тарбиячи ёки гувернор болаларнинг кундалик ҳаётида олган билимларини машғулотларда такрорлайди,

уларни янги муסיқавий-дидактик ўйинлар билан таништириб боради.

Тарбиячи болаларни ҳар хил муסיқавий асбоблар билан таништириб боради. Масалан, тарбиячи болаларни ҳар хил муסיқавий асбоблар қўйилган стол атрофига ўтқизади ва болаларни бирма-бир чақириб, асбобларнинг номини сўрайди, тарбиячининг ўзи муסיқа чалиб беради ва қайси муסיқавий асбобда чалганини болалардан сўрайди.

Муסיқа мактабгача ёшдаги болаларда педагогнинг ташкилотчи организаторлик фаолиятига боғлиқ.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Муסיқавий фаолият ташкил этишда ва жиҳозлаш ишларига қандай эътибор беришимиз керак?

### **Оилада муסיқавий фаолиятни ташкил этиш ва жиҳозлаш**

Болалар муסיқаси уларнинг дунёвий ҳис-туйғусидир. Дунё эшигини очиш учун унинг истеъдодини ривожлантириш керак. Бунинг учун:

1. Биринчи навбатда муסיқавий нутқини ўстириш.
2. Ҳиссиётини ўстириш лозим.

«Акс ҳолда, муסיқа тарбиявий вазифани бажармайди» Н.А.Ветлугина. Муסיқий тарбия катталар ва болалар ўртасидаги энг чиройли, ёқимли, қулай мулоқотдир. Ҳар бир инсон ҳам болалар дунёси билан доимо ҳамнафас яшай олмайди, бу имконият фақат тарбиячилардагина мавжуддир. Тарбиячилар болалар билан бирга орзу қилиб, эртақлар оламига, муסיқа дунёсига кириб борадилар, улар билан биргаликда ўйнаб, расм чизиб, ижод қиладилар. Болалар ўз тарбиячисига ишониб, уларни дўст кўриб, уларга орзулари, ҳис- туйғулари, сирлари ҳақида гапириб беришади. Болалар боғчасида муסיқавий фаолиятни амалга оширишда барча тарбия ўзаро боғлаб олиб борилади. Болалар ёшига хос муסיқа асарлари кичкинтойларга унутилмас таассурот қолдиради.

Муסיқавий фаолият билан ўйинларни кўшиб олиб борилса болаларнинг образли фикрлаши ва образли хотирлаш ҳаракат, малака кўникмаларини яхши ривожлантиради. Бу ҳар иккала психологик-параллел ривожланиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Болаларнинг ўйин дунёси хилма-хилдир. Ўйин бобида улар ижодкордир. Аммо муסיқавий фаолиятнинг ўйин билан бирга боғлаб олиб бориш анча қийинчилик туғдиради. Бунда тарбиячи дастурга таянган болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, иш кўриши лозим. Бола муסיқа ва ўйин жараёнида ўзининг эҳтиёж ва қизиқишларини акс эттиради.

Оилада ва болалар боғчасида олиб бориладиган муסיқавий фаолиятни ташкил этиш вазифалари қуйдагилардан иборат:

1. Болаларнинг муסיқага қизиқишини ошириш ва уни севишга оргатиш.

2. Муסיқа асарлари билан таништириш жараёнида болаларда эмоционал ҳис-туйғулар ҳосил қилиш ёли билан уларнинг муסיқа ҳақидаги тасаввурини бойитиб бориш.

3. Болаларни оддий муסיқа тушунчалари билан таништириш, тинглаш, ашула айтиш, муסיқа билан ҳаракат қилиш, рақсга тушиш ва болаларда оддий муסיқа асбобларида куй чалиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ижодий қобилиятларини ўстриб бориш.

Болаларнинг ёши ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, оила тарбиячиси хонани жиҳозлар билан тўғри таъминлаши лозим. Албатта хонада муסיқавий асбоблар, турли хилдаги муסיқавий адабиётлар бўлиши керак, чунки бола ҳар бир муסיқа асбобининг тарихи, унинг келиб чиқиши ҳамда адабиётдаги товушларнинг йўналишларини билиши керак. Оилада муסיқавий фаолиятни ташкил этишда муסיқавий репертуарлар танлаши, халқ ўйинларидан ўринли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ҳақл ўйинлари оила ҳаётида энг муҳум ва таркибий қисмига айланган бўлиб, тантанаворлик, хурсандлик ва шодлик ҳолатини вужудга келтиради. Болаларни бадий дидини тарбиялайди. Оилада ташкил этилган байрам эртаклари умумхалқ байрамларининг бир парчаси бўлиши керак. Бунда

болаларнинг ёши ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ ўйинларидан фойдаланамиз.

### **Болалар ўйинларида мусиқа**

Ҳар хил болалар ўйин машқларида турли хил мусиқалардан фойдаланилади. Болалар ўзлари машғулотларда ўрганган: «Мусиқа машғулотлари», «Концерт»ларда рақсга тушадилар, ашула айтадилар. Бундай ўйинларда тарбиячи болаларга рўлларни бўлиб беради, ҳар хил мусиқаларни топиб беради.

Болалар тарбиясида мусиқий-дидактик ўйинлар катта рол ўйнайди. Улардан айримлари машғулотлар вақтида ўрганилади. Ўйинлар мусиқавий қобилиятни, фикрлашни оширади. Оила тарбиячиси болаларнинг кундалик ҳаётида олган билимларини машғулотларда

такрорлайди, уларни янги мусиқий-дидактик ўйинлар билан таништириб боради.

Оила тарбиячиси болаларни ҳар хил мусиқавий асбоблар билан таништириб боради ва болаларни ҳар хил мусиқавий асбоблар қўйилган стол атрофига ўтқизади. Болаларни бирма-бир чақириб, асбобларнинг номини сўрайди, тарбиячи мусиқа чалиб беради ва қайси мусиқавий асбобда чалганини болалардан сўрайди.

Мусиқавий таълим бериш жараёнида мусиқа тинглаш, куйлаш, мусиқа саводини ўргатиш, рақс тушиш, чолғу асбобларини чалиш ҳамда мусиқа ижодкорлиги каби билимларни бериш ҳар томонлама камолга етишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Оила тарбиясида мусиқа орқали тарбиялашда нималарга эътибор бериш керак?
2. Оила тарбиячиси хонани қандай жиҳозлар билан жиҳозлаши керак?

---

---

## Фойдаланиш учун қўшимча матэриаллар

### Мавзу: Истиқлол байрами

*Болалар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётидан, Республика Президенти И.А.Каримовнинг хорижий мамлакатлар элчилари, маҳалла аҳли, ёзувчилар, ишчилар, деҳқонлар, талабалар билан учрашувлари акс этган фото-расмлар териб қўйилади. Боғча мусиқа меҳмонхонаси тўрига Ўзбекистон байроғи, герби ўрнатилган. Давлат мадҳиясининг матни ва нотага туширилган мусиқаси босилган плакат ҳам ўзига муносиб ўринга жойлаштирилган.*

*Қувноқ мусиқа садоси остида болалар кириб келадилар ва жойларига ўтирадилар.*

**Боғча мудираси:** — Азиз фарзандларим! Улуғ байрамингиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан барчангизни чин қалбимдан табриклайман! Хабарингиз борми — боғчамизга чет эллик меҳмонлар келар экан. Сизлар мезбон, уларни кутиб оласизлар. **Тарбиячи:** — Меҳмон кутишни эплармиканмиз? Қандай бўларкан? Биз байрамга атаб ракс ва кўшиқлардан чиройли мусиқали гулдаста тайёрлаган эдик. Шу томошани намоиш эцак, дегандик. **Мудира:** — Жуда яхши! Концерт дастурингизни меҳмонлар эътиборига ҳавола этасизлар. Республикамиз ҳаёти, азим шаҳарлари, азиз инсонлари ҳақида билганларингизни айтиб берасизлар. (*Мудира чиқиб кетади*).

**Тарбиячи:** — Болалар, сизлар нима дейсизлар?

**1-Бола:** — Опажон, мен ёд олган шеъримни ўқиб

берсам майлими! (шеър ўқийди).

**2- Бола:** – Дўстларим билан бирга халқ лапарини ижро этаман, келинг ўртага жўралар! (*«Яллало-ялло» лапарини ижро этилади*).

**Мудира:** – (*кириб*). Қани, мезбонлар, меҳмонларни кутиб олинг!

*(Муסיқа меҳмонхонасига араб, турк, франсуз ва америкалик кичкинтойлар кириб келишади. Болалар чет тиллардан биронтасини ўрганишган бўлса, ўша тилда саломлашадилар. Мезбонлар уларга илтифот кўрсатиб ўтирғизадилар).*

**Тарбиячи:** – Ҳурматли болалар, ота-оналар, азиз меҳмонлар! Бугун диёримизнинг турли бурчакларида, мактаб-боғчаларда, маҳалла-хонадонларда тантанали байрам – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни нишонланмоқда. Ишчи ва деҳқонлар, олим ва курувчилар, тикувчи ва шифокорлар – ҳаммалари байрамга муносиб тайёргарлик кўриб, совғалар ҳозирладилар. Дўстларимиз ҳам байрамга ташриф буюрдилар, бу нур устига нур бўлди. Бугун биз, истиқлолимизни. эркимизни, Мустақиллигимизни шарафлаймиз!

*«Ўзбекистон – қуёшли диёр» қўшиғини қўлайдилар. (К.Кенжаев муסיқаси).*

*Меҳмонхонага зангори бантик таққан, оқ футболка ва яшил юбка кийган қизлар кириб келишади. Улар қўлларида ёруғ юлдузчалар тутиб, миллий байроғимиздаги юлдузчаларни эслатиб, қатор бўлиб турадилар. Тарбиячи:* – Раҳмат, сизларга, юлдузчалар. Рақсингизни мароқ билан томоша қилдик. Энди ўзингиз ҳақингизда тўлиқроқ сўзлаб беринг!

**«Юлдузчалар»:** – Бизлар – ўн иккитамиз.

Ўзбекистон Республикаси миллий байроғида биз ҳам акс этганмиз. Байроғимиздаги уч рангнинг ҳар бири ўзига хос теран маъно ташийдди. («Юлдузчалар» даврага тушиб, навбатма-навбат гапириб берадилар). **Тарбиячи:** – (*байроқ олдига келиб*). «Юлдузчалар» тўғри айтишади. Бугунги кунда байроғимизни дунёдаги аксарият давлатлар,

халқлар танийди ва билади. Байрамимизга иштирок э тиб,  
шодлигимизни баҳам кўраётган меҳмонларимизни  
қутлаймиз.

*(«Меҳмонлар» туриб таъзим қиладилар).*

*«Муножат» куйи янграйди.*

**Тарбиячи:** – *(қадимги китобни қўлига олиб, варақлай бошлайди).* Бундай тантанали кунда ота-боболаримиз, ўтган давлат арбоблари-ю улуғ саркардаларнинг номларини тилга олмасликнинг иложи йўқ. Чунки улар бизнинг фаравон ҳаётимизни орзу қилиб, бундай истиқлолга эришишимиз учун курашиб, бу йўлда ижод қилганлар. *(Тарбиячи*

*номларини эслаган буюк сиймолар – болалар бирин-кетин мусиқали меҳмонхонага кириб келадилар).* Беруний, Ал-Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Бобур, Машраб, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, имом Бухорий, ат-Термизий... (бу ерда шу ҳудудда туғилган шахсларни ёдга олиш мумкин). Болалар уларни одоб билан ўринларидан туриб, таъзим бажо келтириб кутиб оладилар, ҳурмат ила даврага ўтказадилар.

**1-бола:** – Бугун биз барча байрамлар ичра энг эъозлиси – Ўзбекистон Мустақиллигини шодон нишонлаймиз!

**2-бола:** – Фарзанд бўлиб мақтайман,

Хурсанд бўлиб

мақтайман! Шу ўлка

сувин ичдим, Дилбанд

бўлиб мақтайман!

Онажон, Ўзбекистон!

Жонажон, Ўзбекистон!

*(П.Мўмин)*

*Ўзбекистон ҳақида шеърлар ўқилади.*

*Кўшиқ ва рақслар ижро этилади.*

**Тарбиячи:** – Азиз меҳмонларимизни саёҳат қилдирсак бўлар эди, лекин уларни энг аввало қаерга олиб борсак экан?

**Болалар:** – Бухорога, Хивага, Самарқандга, Сурхондарёга, Тошкентга, Қўқонга, Андижонга...

**Тарбиячи:** – Ўзбекистоннинг энг чиройли ва



кадимий шаҳарларини танладингиз-ку. аммо уларга қандай боришни айтмадингиз!

**Болалар:** – Сехрли «қўқон арава»да!

**Тарбиячи:** – Хаёлимдан кўтарилибди, тўғри айтасиз, сехрли аравага чиқиб, биз меҳмонлар билан бир зумда истаган жойимизга етиб боришимиз мумкин. Қани, айтинг сехрли сўзларни!

*Ўртага «сехрли арава» чиқади ва болалар меҳмонлар билан бирга йўлга отланадилар.*

**Болалар:**

– Эзгуликдадир кудрат,  
Дилда йўк гина-  
кудрат, Йўл танобин  
тортамыз, Термизжонга  
борамиз!

*Шу тарзда «сехрли сўз»ларнинг охириги сатри ўзгариб, исталган вилоятга бориш мумкин. У ерда меҳмонларни рақс тушиб, қўшиқлар айтиб – тантанали равишда кутиб олишади. «Андижон полкаси», Хоразм «Лазги»си ижро этилади ва ҳоказо.*

**Тарбиячи:** – Болалар, мен меҳмонларимизнинг бир сиридан огоҳ бўлдим – улар сизларга чиройли совға тайёрлаб келишган экан. У нима экан деб ўйларсиз? Мана, кўринг! *(Меҳмонлар ижросида арабча, туркча ва замонавий рақслар).* Совғалар сизларга маъқул бўлдимиз? Меҳмонларимизга чин дилдан «РАҲМАТ» айтамыз-а?! Раҳмат сизларга, бизларни жуда хушнуд этдингиз!

Байрамимиз яна давом этади.

*Ўзбек халқ куйлари садоси остида мусиқа меҳмон-хонасига*

*«Ҳумо» қуши учиб кириб, жозибали рақс ижро этади. Унга миллий либосдаги қизлар жўр бўладилар ва ўйин сўнигида тарбиячи олдига Ҳумо қушини етаклаб келадилар.*

**Болалар:** – Қаранг, боғчамизга Ҳумо қуши учиб келди!

**Тарбиячи:** – Бу хушхабарингиз учун раҳмат! Ҳумо қуши гербимиздан жой олиб, Ўзбекистон юртининг бахт-саодат рамзини билдиради, посбони саналади. Уни севиб, ардоқланг, азиз болажонлар! Меҳр-оқибатли, меҳнацевар бўлиб,

катталарни хурмат қилиб, юртимизнинг бойлигига бойлик кўшиб, Хумо кушини абадул-абадга сақланг! (*Кўшиқ ижро этилади*).

*Барча болалар байроқ олдига келиб, тантанавор ҳолда туриб Ўзбекистон Республикаси мадҳиясига жўр бўладилар.*

**Тарбиячи:** — Раҳмат, дилбандларим! Сизлар порлок диёримизнинг эртанги кунисиз! Ўзбекистон истиқлолининг бахтли эгасисизлар! Байрам давом этади, бизни боғ ва томошагоҳлар кутяпти! Юринг, шаҳар (қишлоғимиз) аҳлига кўшилиб, умумхалқ сайлига чиқайлик!

*Кувноқ муסיқа садолари остида меҳмонлар ва мезбонлар чиқадилар.*

### **Меҳржон – байрам сайли**

*Зал байрам кўринишида б затилган. Болалар муסיқа садолари остида залга кириб к ладилар.*

#### **1-бошловчи:**

– Куз к лди ўлкам бўйлаб,  
Мардлик кўшиғин куйлаб,  
Бизнинг гўзал юртимизда,  
Тўкин-сочин йўлида.  
Куз бизга келди.

Ширин-шакар м валар.

Сабзавот, қовун, тарвуз,  
Оппоқ пахта, буғдой кон.  
Ҳады қилди бизларга,  
Тўкин-сочин дастурхон.

**2-бошловчи:** — Азиз м ҳмонлар ва кадрли болажонлар, сизларни М ҳржон – ҳосил байрами билан табриклаймиз! М ҳржоннинг фасллар орасида алоҳида ўрни бор. Юртимиз ноз-н ъматларга мўл-кўллиги пайтида, айна пишиқчилик палласида байрам қилинади. Баҳорда Наврўз байрамини к нг нишонладик. Бугун эса, Наврўзнинг биродар укаси, М ҳржон

байрамини нишонляяпмиз. Улар заминнинг икки кўзидир.

**Бола:** – Бугун, Наврўзга эш тўй,  
Хосил тўйдир, М хржон.  
М хрдан турилгандир,  
Хосил тўйим, М  
хржон.

**Бола:** – Наврўз ила М хржон  
Ецин мангулик давом.  
Замин кош-кўзи улар,  
Эътиқод шудир мудом.

**Бола:** – Салом, сайри кузимиз,  
Ч тда қолманг одамлар.  
Бугун Наврўзга эш тўй,  
Хосил тўйим, М хржон.

*Болалар «Ватаним» қўшиғини куйлайдилар. (Ф.Назаров мусиқаси).*

Чаман-чаман боғларга,  
Сайроқи булбулларга,  
Тошқин дарё кўлларга,  
Жойдир гўзал Ватаним.  
Кўкни қучган куйларга,  
Бойдир гўзал Ватаним.  
Ягонадир чиройинг,  
Эл бағрид к бағринг к нг,  
С н ҳаёт, илхом б рдинг,  
Ёр бўл, гўзал Ватаним.  
Порлар ғолиб байроғинг,  
Кунд к ёруғ чироғинг,  
Бойликка кон ҳар ёғинг,  
Бор бўл, гўзал Ватаним.

*Катта гуруҳ болалари қўлларида барглар билан доира бўлиб турадилар.*

*«Олтин барглар» қўшиғини куйлайдилар. Қўшиқнинг сўз ва муסיқасига мос ҳаракатлар бажарадилар.*

**Бошловчи:** – Болалар, м н сизларга топишмоқ айтаман, сизлар эса топишмоқни кунт билан тинглаб, ўйлаб топишингиз к рак. Топишмоқнинг номи, «Бу қандай фасл?» д б номланади.

Кунлар борган сари қисқаради. Д ҳқонлар й рга эккан сабзи, пиёз, картошка, карам ва пахталарни йиғиб-т риб оладилар. Қалдирғоч, турна, майна ва бошқа қушлар иссиқ ўлкаларга учиб к тадилар. Олмаҳонлар ёнғоқ йиғадилар.

Қани, айтинглари-чи, бу ўзгаришлар қайси фаслда рўй б ради?

**Болалар:** – Куз фаслида.

**Бошловчи:** – Жуда тўғри топдингиз. Халқимиз бу фаслда сабзавот ва м валардан мўл-ҳосил йиғиб-т риб оладилар. Шунинг учун, М ҳржон байрами куз фаслида нишонланади.

*Шу пайт эшик тақиллаб, «Куз» кириб к лади. У бошига кузги барглардан чамбарак таққан, эғнида яшил қўйлак, қўйлакка куз барглари қадалган.*

**Куз:** – Ассалому алайкум, ҳурматли м ҳмонлар. Салом, азиз кичкинтойлар! (*Болалар саломи*). Ҳаммангизни улуғ айём – М ҳржон байрами билан табриклайман!
